

15.06.2018

Boqiy fikr

Eng muhim va dolzarb masalalardan biri – yuksak ma'naviyatli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlariga, o'z mustaqil fikriga ega bo'lgan yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iborat.

Shavkat MIRZIYOYEV

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 5-iyul, chorshanba № 53 (9014)

ИЖРО ИНТИЗОМИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ – ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни Тошкент шаҳрида йиғилиш ўтказилди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ҳамда Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартаришлар, инвестициялар, банк ва молия тизими ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарлари билан бирга, ушбу комплекслар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, иккинчи ярим йилликдаги долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва ҳар томонлама, атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мазкур комплекслар таркибига кирувчи соҳалар бўйича муайян натижа ва марраларга эришилган бўлса-да, хотиржамлик-

дан берилмасдан, ҳали ечимини кутаётган масалаларни таҳлил қилиш, мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш чораларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил биринчи ярим йиллигида янгидан ёки қайта ташкил этилган вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали йўлга қўйиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат инвестициялар қўмитаси, Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармаси раҳбарлари томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйилганини қайд этди. Ушбу вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдида қисқа муддатда мавжуд бўш ўринларга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган асосий вазифа ва функцияларни тўлиқ ва сифатли бажаришни таъминлаш юзаси-

дан барча зарур чораларни кўриш юқлатилди.

Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибидagi айрим идоралар, жумладан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзмонтажмахсуқурилиш", "Ўзшаҳарқурилиш инвест" компаниялари, Республика йўл жамғармаси, "Қишлоқ қурилиш банк"и ва "Ипотека-банк" томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил ўтган даврида мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб амалга оширган ташрифлари ва учрашувларда берилган топшириқлар ижросини таъминлашда йўл қўйилган ҳар бир камчилик ва нуқсон танқидий таҳлил қилиниб, ушбу идоралар раҳбарлари жиддий оғохлантирилди. Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги раҳбари эгаллаб турган лавозимига нолайиқ экани қайд этилиб, ушбу тизимни тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси иш фаоли-

яти ҳам қониқарсиз. Иқтисодиёт комплексининг собиқ раҳбарлари иқтисодий мажмуа ишини мувофиқлаштира олмаган, вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги идоралар ишини ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Йиғилиш иштирокчиларининг диққат-эътибори давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятида ижро интизомига оғишмай риоя қилиш, белгиланган вазифа ва функциялар, топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, ҳар қайси соҳада қатъий тартиб-интизомни таъминлаш зарурлигига қаратилди. Бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйган "Ўзбекизониковкатхолдинг" компанияси раиси О.Рустамов, "Ўзгрозспорт" жамияти раҳбари Ж.Холмухамедов ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси раиси М.Мансуров ўтган ҳафтада лавозимидан озод этилгани эслатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар ва ҳўжалик бирлашмалар раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олиши кераклиги алоҳида ўқтирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг бугуни ва эртаси қандай бўлиши кўп жиҳатдан Иқтисодий ривожлантириш комплекси вазирликларининг иши сифати ва натижаларига боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда охириги йилларда кичик бизнесни рағбатлантириш юзасидан қўллаб қарорлар қабул қилинганига қарамай, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тўсиқлар ҳали ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан, Комплекс раҳбари – Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоровга Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик соҳасидаги тадбиркорлик муаммоларни батафсил таҳлил қилиб, илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига кескин туртки берадиган таклифларни ишлаб чиқиш топширилди. (Давоми 2-бетда.)



Қабул комиссиясида иш қизгин

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети шу кунларда талаба бўлиш истагида бўлган юзлаб абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари билан янада гавжум. Қабул комиссияси аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди.

Университетда давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида пухта ҳозирлик кўрилди. Жорий йилда ушбу олий ўқув юртида 48 бакалавр таълим йўналиши бўйича 2 минг 200 талаба ўқишга қабул қилинади.

ЎЗА сурати.

Юксак эътибор юксак марраларга чорлайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати IV қурултойида сўзлаган нутқи жойларда қизиқиш билан ўрганилмоқда

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ёшларимизнинг бугунги таълим-тарбиясига, қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган эзгу мақсад ҳам шудир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёш авлод камолотига бўлган доимий ва алоҳида эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Фарғона вилояти ёшлари ҳам бундай юксак гамхўрлик учун Президентимизга ўз миннатдорлигини изҳор этмоқда.



Dil izhori

Элёр Худойбердиев, Фарғона давлат университети талабаси, "Шўхрат" медали соҳиб:

– Ёшлиқнинг ҳар куни – бир имконият, бир мўъжиза. Эрта тонгдан ишга, ўқишга шошилиб кетаётган тенгдошларимизнинг бугунги кундан бахтиёр нигоҳларини кўзатиб, қалбимда сўз билан ифодалаб бўлмас ғурур ва ифтихор туяман. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиши ва унга ҳар қачонгидан-да кенг имкониятлар берилиши барчамизни беҳад мамнун этди.

(Давоми 2-бетда.)

ИЖРО ИНТИЗОМИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ — ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йигилишда жойларда бўш турган давлат объектлари ёки илгари хусусийлаштирилган, лекин бугунги кунда фойдаланилмаётган бино-иншоотлар бўйича барча таъсир механизмлари ишлаб чиқилган, зарур ҳуқуқий база яратиб берилган бўлса-да, бу борада ҳали сезиларли натижалар таъминланмагани

афсус билан қайд этилди.

Банк-молия тизимини расмийлаштириш билан, юзак ислоҳ қилиш амалиётига чек қўйиб, тизимни замонавий услублар асосида ишлайдиган соҳага айлантириш вазифаси ўртага қўйилди. “Энг муҳими, бугунги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари энг замонавий хизматларни кўрсатиб, ҳар

бир мижознинг кўнглига йўл топа оладиган, уни ўзига жалб этиш учун рақобат қилиш салоҳиятига эга бўлиши керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларининг жорий йил иккинчи ярим йиллигида белгиланган мақсадли параметрлар ва тадбирларни

тўлиқ ва ўз муддатида амалга ошириш, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболни олдиндан ҳисоб-китоб қилиш ва унга эришиш учун “йўл хариталари” ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилиниб, аниқ топшириқлар берилди.

Йигилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар

раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди ва муҳокама қилинди, иқтисодий тармоқларини изчил ривожлантириш борасидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда жадал ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш вазифалари белгиланди.

ЎЗА

ЮКСАК ЭЪТИБОР ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу биз, ёшларни янада фаол ва ташаббускор бўлишга, кўпроқ ўқиш, изланиш, иш самарадорлигини оширишга ундайди. Ёшларимиз билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларнинг қалбига қулоқ тутиш, дардини эшитиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш муҳим вазифа сифатида белгиланмоқда. Айниқса, ёшларни уй-жой билан таъминлаш, бандлиги масаласи, ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Турли соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришиб келатган йигитлар учун “Мард ўғлонлар” Давлат мукофоти ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилиши бизга билдирилатган юксак ишонч намунасидир. Уни оқлаш ва эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, кимлигимиз ва қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади.

Зулфия Мамажоновна, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг порлоқ келажига, жисмоний, маънавий ва интеллектуал камолотини таъминлаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар самараси тенгдошларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида жаҳон миқёсида юксак марраларга эришиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини намойён қилаётганида ҳам ўзининг аққол ифодасини топмоқда.

Биз, ёшлар шундай жаннатмонанд юрт фарзанди эканимиздан фахрланамиз. Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун — 30 июнь мамлакатимизда Ёшлар кунини деб эълон қилингани эртанги кун эгаларини руҳлантириб юборди.

Давлатимиз раҳбарининг нуқтини муҳташам Симпозиумлар саройида тинглаш бахтига муяссар бўлганимиздаги унутилмас кун бўлиб қолади. Ушбу тарихий нуқтни делегатлар сафида ўтириб

тинглар эканман, Президентимиз ёшларни нақадар яхши кўриши, эъозлаши, келажакимиз учун қайғуришини чин дилдан ҳис этдим. Биз Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги барқарор, келажакимиз буюк бўлишига тўла ишонамиз. Чунки биз буюк саркардалар, доврўғи дунёни тутган мутафаккирлар, улўғ алломалар авлодимиз. Чунки биз буюк саркардалар, доврўғи дунёни тутган мутафаккирлар, улўғ алломалар авлодимиз. Чунки биз буюк саркардалар, доврўғи дунёни тутган мутафаккирлар, улўғ алломалар авлодимиз. Чунки биз буюк саркардалар, доврўғи дунёни тутган мутафаккирлар, улўғ алломалар авлодимиз. Чунки биз буюк саркардалар, доврўғи дунёни тутган мутафаккирлар, улўғ алломалар авлодимиз.

Паризода Рўзиевона, Ўзбекистон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси:

— Давлатимиз раҳбари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида ҳақиқатан ҳам, биз, ота-оналар, устоз ва мураббийлар сизларни, бутун Ўзбекистон ёшларини Ватанимиз, жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи, деб биламиз ва сизлар ҳамisha халқимизнинг мана шундай юксак ишончига муносиб бўласиз, деб таъкидлади. Бу сўзлар биз, ёшларга билдирилган юксак ишонч билан бирга, қалбимизда Ватандан ғурур-ифтихор туйғусини юксалтириб, қатъий мақсад ва янги марралар сари руҳлантирди.

Мустақиллик йилларида ёшларимиз куч ва салоҳиятда, истеъдод ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда. Далил истаганлар кундалик матбуотни яна бир варақласин, ота-онасидан, қўшнисидан, ёши улўғлардан сўрасин — Ўзбекистон ёшлари аввал ким бўлган, бугун ким бўлди? Мамлакатни кўчи туринг, маҳалласи ё қишлоғидан етишган қитъа ва жаҳон чемпионларини, мусиқа ва санъатда дунёни лол этаётган истеъдод эгаларини ва яна бошқа соҳаларда улкан ютуқларга эришаётган ёшларимизни бир санаб кўрсин.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани биз, ёшларни янада катта орзу-мақсадлар билан яшаш, маррани янада баланд олишга ундайди, барчамизни ягона мақсад атрофида бирлаштиради.

**ЎЗА муҳбири
М.СУЛАЙМОНОВ
ёзиб олди.**

Шу йил 30 июнь кунини Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида ўтказилган Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган фикрлар юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда янги давр бошланганидан дарах беради, десак муболага бўлмайди.

Ёшлар сиёсатида янги давр

Давлатимиз раҳбари “Камолот” ЁИХнинг фаолияти ҳақида батафсил фикр билдириб, ўтган давр мобайнида ҳаракат томонидан йўл қўйилган қатор объектив ва субъектив камчиликларга тўхтади. Ҳақиқатан ҳам ташкилот том маънода бутун бир Ўзбекистон ёшларини ўз атрофида бирлаштира олмагани сезилиб қолмоқда.

Ёшлар эришаётган ютуқлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар борасида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мунтазам тадқиқот ўтказиб боради. Институтиимизда ўтказилган сўнгги тадқиқот натижаларига кўра, “Камолот” ЁИХнинг бошланғич ташкилотлари томонидан

мактабларда жами ўқувчиларнинг 9,3 фоизи, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ўғил-қизларнинг 25,8 фоизи, олий таълим муассасалари талабаларининг 100 минг нафари (умумий ёшларнинг 3,1 фоизи) қамраб олинган бўлса-да, уларнинг аксарияти мамлакатимизда кечатган ижтимоий-сиёсий жараёндан четда қолиб кетган.

Президентимиз ташкилотга аъзолик кўп ҳолларда фақат қоғозда мавжудлиги, амалда аксарият ёшлар “Камолот” тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслиги юзасидан танқидий фикр билдиргани тадқиқотимиз натижасида ўзининг амалий тасдиғини топди. Ҳаракатнинг Наманган шаҳри ҳамда Янгиқўрғон тумани кенгашларида ёшларга оид статистик маълумотлар мавжуд эмас. Гулистон, Сайхунбод, Хатирчи, Кармана, Учқудуқ, Қизилтепа туманларида ҳудуддаги жами ёшлар ҳамда ҳаракат аъзолари сони ҳақида аниқ маълумот йўқ. Сурхондарё вилояти кенгаши билан Шеробод, Денов, Музработ, Узун тумани кенгашлари ўртада ҳамкорлик ўрнатилмагани боис, аъзолар сонини ҳисоблашда ўзаро номуносиблик вужудга келган.

Ташкилотда фаолият юритаётган айрим мутахассисларнинг етарли даражада касб ва малака талабларига жавоб бермаслиги аччиқ ҳақиқатдир. Андижон, Когон, Чирчиқ шаҳарларида, Асака, Булоқбоши, Бўз, Избоскан, Пахтабод, Жалақудуқ, Марҳамат, Шаҳрихон, Андижон, Қорақўл, Вобкент, Ромитан, Бекобод ва Қуйиқирчиқ тумани кенгашларида доимий кадрлар кўнимсизлиги кузатилган, уларнинг фаолияти асосан 6 ой ва 1 йилдан ошмаган.

Қурултойда ҳаракат раҳбарларининг ёшлар мурожаатларини ижобий ҳал қилишдаги фаолиятига қониқарсиз баҳо берилди. Тадқиқот давомида аниқланишича, қуйи ташкилотларга ёшлар томонидан турли му-

аммо ва камчиликларга қаратилган жами 2 минг 952 та мурожаат бўлган ва шундан 2 минг 372 таси (80,3 фоиз) ижобий ҳал қилинган. Қолган 580 та (19,7 фоиз) мурожаат эса эътиборсиз қолдирилган. Шу боис Қашқадарё вилоятининг аксарият туман ва шаҳар кенгашлари ёшлар томонидан умуман мурожаат бўлмаган.

Тадқиқот давомида Самарқанд, Хоразм ва Жиззах вилояти кенгашлари биносининг етарли даражада таъмирланмагани, аксарият ҳудудий кенгаш бинолари авария ҳолатида экани аниқланди. Наманган шаҳар, Қосонсой, Наманган, Учқўрғон, Чуст, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Чортоқ, Поп, Мингбулоқ тумани кенгашларида тўғарақлар, маданий тадбирлар ташкил этиш учун фаоллар зали, қўшимча хоналар ҳамда иссиқлик тизими билан боғлиқ кўпжа муаммолар мавжудлиги қайд этилди.

Қатор муаммолар, мақсадсиз тадбиру самарасиз тарғибот усуллари натижасида фаолияти тугатилган ташкилот ўрнида демократик принциплар асосида ёшларни бирлаштирувчи мутлақо янги — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тuzилиши мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда катта имкониятлар яратди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси ва бир вақтнинг ўзида Президент фармониغا биноан Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланиши ёшларнинг тўғридан-тўғри масъул шахсга мурожаат қилиши имконини беради. Таълим муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бўлимлари тuzилиши, “Ёш олимлар уюшмаси”, “Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази”, “Ёшлар туризми уюшмаси”, “Спорт клублари ва фитнес марказлари уюшмаси”, “Имконияти чекланган ёшлар уюшмаси” каби ташкилотларнинг вужудга келиши келажакимиз эгаларига катта қулайлик ва кенг имкониятлар яратди.

Янгидан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мустақил фикрга эга, Ватан тақдирига дахлдор, билимли ва зукко ёшларни тарбиялашда муҳим институтга айланади. Президентимиз таъкидлаганидек, улўғ мақсадга эришиш йўлида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи том маънода мамлакатимиздаги барча ёшларнинг таянчи ва суянчи бўлиб қолади.

**Азимжон ХОЛМАҲМАТОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шўъба раҳбари**

2017-yil 5-iyul, № 53 (9014)

Аниқланган хатоларни ўрганиш, ундан тўғри хулоса чиқариш муваффақиятларга йўл очади. Ўқув йили якунида таълим муассасалари фаолиятини сарҳисоб қилиш ўқувчи билимидаги бўшлиқ ва камчиликларни кўрсатиб беради. Таҳлиллар натижасига кўра, мактабда келгуси йил учун янги режалар тузилади.

Тўрақўрғон туманидаги 23-мактаб жамоаси ҳам ўқув йили якунида бўйича эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликларни сарҳисоб қилиб, келгуси ўқув йили учун режалар тузиб олмоқда. Кувонарлиси, мактабнинг туман миқёсида рейтинг сизилари даражада ошгани кузатилади. Мазкур кўрсаткични аниқлашда 20 дан зиёд йўналишда амалга оширилган ишлар қаторида ўқувчиларнинг билим салоҳияти алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис мактаб педагоглари таълим сифати ва мазмунини бойитиш, ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратишди.

Ниҳоятда етган ўқув йилида ўқувчиларнинг билим салоҳиятини мунтазам назорат қилиб бориш, билимдаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида фанлар ва синфлар

Ўқувчи билимидаги бўшлиқ бу борада аниқланган камчиликларни ким тўлдирди?

кесимида олиб борилган мониторинг текширувлари якунда ўз мевасини берди. 1-чорақда 5-, 6- ва 7-синфларда она тили ва адабиёт, рус тили, математика, Ватан туйғуси, география фанларидан 4 марта назорат иши олинди.

— Фанлар кесимида ўтказилган назорат иши 5-синфларда айрим мавзулар бўйича бўшлиқ борлигини кўрсатди, — дейди 23-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Олимжон Абдуллаев. — Масалан, 5-синфларда она тили фанидан "Ҳис-ҳаяжон ва тўлдирувчи", математика фанидан тенгламалар, география фанидан "Масофаларни ўлчаш ва йўналишни аниқлаш" мавзуларини ўзлаштиришда ўқувчилар қийналаётгани маълум бўлди. Мактабда ташкил этилган мониторинг гуруҳи аъзолари билан бу масала муҳокама қилинди ва мазкур фан ўқитувчиларига ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Масалан, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Марҳабо Йўлдошева бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни аниқлаб, улар учун қўшим-

ча машғулотлар ташкил этди. Кенгайтирилган дарс ишланмаси тайёрлади.

— Билимида бўшлиқ мавжуд ўқувчи билан яқка тартибда ишлаш самара беришини тажрибамда синаганман. Шу сабаб 5-синфлардаги уч нафар бўш ўзлаштирувчи ўқувчи билан индивидуал машғулот олиб бордим, — дейди Марҳабо Йўлдошева. — Қўшимча сабоқ жараёнида дарснинг жиҳозланиши, янги педтехнологиялардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдим. Қисқа вақтда ўқувчилар мураккаб мавзуларни ўзлаштириб олди. Такроран ўтказилган назорат иши эса ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар барҳам топганини кўрсатди.

Математика мураккаб фанлар сирасидан. Мазкур фан ўқитувчиси Нозима Рауфжоновна учун ўқувчилари билимидаги бўшлиқларни тўлдириш осон кечмади. Унга мактаб методбирлашмаси аъзолари кўмакка келишди. Нозима уларнинг маслаҳат ва кўрсатмалари асосида бир неча ноанъанавий дарслар уюштирди. Қўшимча машғулотлар, ўқувчи билан индивидуал шуғулланиш бесамар кетмади.

— Ўқувчи билимидаги бўшлиқ аслида бирдан пайдо бўлиб қолмайди, — дейди Нозима Рауфжоновна. — Аввалги мавзуларни суст ўзлаштиришига лоқайд қараш, ўқувчини дарсга қизиқтира олмаслик, бола шахсидан келиб чиқиб ёндашмаслик каби хатолар йиғиндиси шу ҳолатга сабаб бўлади.

Дилором Раҳмонова ҳам ўз фани бўйича ўқувчиларда аниқланган бўшлиқларни бартараф этишда замонавий методлардан фойдаланди.

— 1-чорақда биология фани бўйича 8-синфларда ўтказилган мониторинг ўқувчилар томонидан "Қон гуруҳлари" мавзуси қийинчилик билан ўрганилганини кўрсатди. Бу мавзуларни таништириш жараёнида кўпроқ назарий тушунча беришга эътибор қаратган эдим. Таҳлил жараёнида камчилигимни сездим ва лаборатория ишлари, асосий дарсга қўшимча ва тўғрақ машғулотлари, дарс пайтида электрон дарслик, АКТ воситаларидан фойдаланиш, ўқувчига янги мавзунини ўзлаштиришда ҳам тинглаш, ҳам кўриш эффектидан фойда-



Sarhisob

ланиб, билимларини муштақамлашга интилдим. Айниқса, назарий билимларни амалиёт билан боғлаш жуда катта фойда берди.

Мактаб директори Икромжон Исоқовнинг таъкидлашича, ўқув йили мобайнида ўқувчиларга сифатли билим беришга эришиш мақсадида бир неча марта режали ва навбатдан ташқари ўтказилган педагогик кенгашларда мазкур масала муҳокама этиб борилган.

— Жамоада "Билимдон муаллим — сифатли таълим" шioriга жиддий амал қилинади, — дейди у. — Ҳар бир ўқитувчининг касбий маҳорати ва малакасини ошириб бориши, ўз устида ишлаши рағбатлантирилади ва бунга имконият яратиб берилади. Айниқса, ўқитувчиларимизнинг АКТдан кенг фойдаланишига алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун мактабда барча шароит муҳайё.

Муҳими, қатъий тартиб, масъулият ва қатъият бор жамоада яхши натижаларга эришилмоқда. Таълим масканидаги ўз-ўзини назорат қилиш тартиби эса ўғил-қизларнинг янада пухта билим олиши учун замин яратмоқда.

Ганишер АКБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Малакали кадрлар танқислиги

янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида қандай ҳал этилмоқда?

Шу кунларда барча таълим муассасаларида янги ўқув йили ва кузги мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида вилоят, туман(шаҳар) халқ таълими бошқаруви идоралари томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра келгуси ўқув йили учун кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам аниқланмоқда.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасида айни кунда бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, бўш иш ўринларини олий таълим муассасаларини битирган ёш мутахассислар, турдош фан ўқитувчиларини қайта тайёрловдан ўтказиш, бола парварлаш таътилидан қайтган ўқитувчилар ва педагогларнинг педагогик юкмасини ошириш ҳисобидан қоплаш режалаштирилган.

Лекин ўтган ўқув йили сарҳисоб қилинганида вилоятда ўқув йили ўртасидаёқ кадрлар муаммоси юзага келганини кўриш мумкин. Мисол учун 2016-2017 ўқув йили вилоятдаги жами 218 нафар бўш иш ўринлари (фанлар кесимида рус тили ва адабиёти, инглиз тили фанларидан 28 та, кимё, биология, тарих ва информатикадан 19 тадан, бошланғич таълим йўналишида 18 та) тўлдирилган бўлса-да, ўқув йили давомида уларнинг 32 нафари бўшаб қолган. Вазиятдан чиқиб кетиш учун фан ўқитувчиларига ортиқча ставкалар юкланган. Бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатган. 2017-2018 ўқув йилида яна шундай муаммолар такрорланмаслиги учун айни кунда қандай зарур чоралар кўриляпти?

Ситора Мамадиёрова бу йил

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тугатади. У январь ойидан бери амалиётни Зомин туманидаги 33-мактабда ўтади. Қаҳрамонини амалиёт даврида устозлар ўғитишга амал қилиб кам бўлмади. Ёш ўқитувчиларни ишга қабул қилиш бўйича олий ўқув юрти ва таълим муассасаси ўртасида тузилган шартномага асосан айни кунда Ситора инглиз тили ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди.

— Жамоамизга қўшилган ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама амалий ёрдам берамиз, — дейди 33-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фозил Рустамов. — Ситорага ҳам тажрибали ўқитувчилар бириктирилди. ДТС талаблари, ҳужжатлар билан ишлаш, иш қозғолари юритиш бўйича тажрибали устозларимиз яқиндан ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатди. Мактаб маъмурияти томонидан ўқув режа ва дастурлар, дарсликлар билан таъминланди. Дарсларни таҳлил қилиш ва дарс ўтиш жараёни кузатилиб, амалиётчи талабага керакли методик ёрдам кўрсатилди.

Эътибор ва ғамхўрлик амалиётчи талабанинг жамоа билан тезда тиллашиб кетишига имкон яратди.

Қисқа муддатда иш юритиш қозғоларини расмийлаштириш, синфдан ташқари ишларни ташкиллаштириш борасида муайян тажрибага эришди. Мактабда инглиз тили фани ўқитувчиси йўқлиги туфайли бироз қийналган бўлса-да, жамоанинг амалий кўмаги билан ўқувчиларга бугунги кун талаби даражасида билим бериш тажрибаси ва кўникмаларини ўзида шакллантира олди.

— Кишлоқ мактабларини малакали педагоглар билан таъминлаш асосий вазифамиз, — дейди Зомин тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими кадрлар инспектори Болбек Мустанов. — Мазкур қарор асосида алоҳида дастур тузиб, педагогика институтлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатганмиз. 2014 йилда 57, 2015 йил 35, 2016 йил 18 нафар чет тили фани ўқитувчисига эҳтиёж мавжуд эди. Туман ҳокимлигининг таклифи билан олий ўқув юртлири ўртасида мақсадли қабул режаси шакллантирилди. Натижада, ўтган ўқув йилида 5 нафар инглиз тили ўқитувчиси туман мактабларида фаолиятини йўлга қўйди. 2017-2018 ўқув йилида ҳам мақсадли қабул асосида битирувчи ёш педагоглар 10-, 33-, 43-, 44-, 57-мактабларда иш фаолиятини бошлади. Шу тариқа туманимиз таълим муассасаларида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж босқичма-босқич тўлиқ қопланади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан педагогларнинг иш фаолиятига боғлиқ. Шу мақсадда жойларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, фанлар кесимида таълим муассасаларини педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш ҳамisha долзарб бўлиб келган. Ҳозир туманда мавжуд 75 та ўқув даргоҳида жами 2182 нафар педагог фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1163 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

"Иқбол" кишлоқ фуқаролар йиғинидаги 43-мактабда иш бошлаётган Ирода Абдуллаева Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан таҳсил олган. У ҳам янги ўқув йилида кишлоқ ўқувчиларига инглиз тилидан сабоқ беради. Шу ўринда ёш педагогларнинг мактаб муҳитига мослашиш қандай кечяпти, деган савол туғилади.

Ёш педагогнинг самарали ишлаб кетиши биринчи галда мактаб муҳитига боғлиқ. Энди иш бошлаётган мутахассисга жамоанинг эътибори ва ғамхўрлиги муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳис этган тажрибали педагоглар ёш ўқитувчиларни ҳафталик, ойлик индивидуал ва яқка тартибдаги режалар тузиб ишлашга ўргатмоқда. Дарс таҳлили, оқик ва мустақил дарс ўтиш усуллари, синфдан ташқари ижтимоий-тарбиявий ишларни ташкил этиш борасида амалий кўникмалар шакллантирилмоқда. Бундай эътибор ва муносабат олий ўқув юртини тугатган ёш ўқитувчилар учун келгуси тақдирларини белгилашда муҳим роль ўйнамоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Амалий фанларни ўқитишдаги муаммолар

республика форуми иштирокчилари томонидан кенг муҳокама этилмоқда

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим-тарбия тизimini янада такомиллаштириш, ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, ёш авлодга билим беришда фидокорона хизмат қилаётган ўқитувчи ҳамда мураббийларнинг обрў-этиборини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифалар Халқ таълими вазирлиги томонидан изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан куни кеча бошланган “Амалий фанларни ўқитиш ва ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги икки кунлик форумда ҳам соҳани ривожлантиришга доир фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган 250 нафар тасвирий санъат, чизмачилик, жисмоний тарбия, технология, мусиқа маданияти, амалий психология фани ўқитувчилари, методистлар, худудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, олий таълим муассасалари олимлари иштирок этаётган тадбирнинг биринчи куни Халқ таълими вазирлиги қошидаги профили меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Иштирокчилар ушбу мактаб фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг тренер ўқитувчилар томонидан ташкил этилган “Маҳорат дарслари”да билимларини янада мустаҳкамлашди.

Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда амалиётчи психологларнинг ўрни”, “Шахмат тарихи ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши. Уйинда мот турлари”, “Опера” жанрини ўргатишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” каби мавзуларда машғулотлар олиб борилди.

— Республика форумини ташкил этишдан асосий мақсад — ёш авлодга сифатли таълим-тарбия беришда фидокорона хизмат қилаётган ўқитувчи ҳамда мураббийларни рағбатлантириш, амалий фанлар таълимини такомиллаштириш йўналишида олиб борилган ишларни сарҳисоб қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, янгидан тасдиқланган давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш, амалий фанлар таълими сифат ва самарадорлигини ошириш, мустақиллик йилларида ўқитувчилар обрў-этиборини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилган ютуқларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилишдир, — дейди Республика таълим маркази етакчи мутахассиси Қимматхон Маматқулова. — Форум якунида қўрилган масалалар юзасидан педагогларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида илмий-методик ва назарий тавсиялар ишлаб чиқиладди.

Амалий фанлар ўқитувчиларининг республика форуми бугун ялпи ва шўба йиғилишларида ўз ишини давом эттирмоқда.

Шоира БОЙМУРОВОДА,
«Ma'rifat» мухбири

Жиззах давлат педагогика институтида талабаларнинг замон талаби даражасида билим олиши, илм-фан сирларини пухта эгаллаши учун етарли имкониятлар мавжуд. Шу боис ҳам мазкур даргоҳда ўқиш истагини билдираётган йигит-қизлар сафи йил сайин кўпаймоқда. Айни кунларда институтда қабул жараёни қизгин давом этмоқда.

Талабалик сари йўл

ўқиш ва изланишга чорлайди

Институтга 2017/2018 ўқув йили учун қабул квотаси бакалаврият бўйича 19 таълим йўналишига 1820 ўринни ташкил этади. Шунингдек, 5 магистратура мутахассислигига 24 ўрин ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида таълим масканида қабул жараёнини намунали ташкил этиш борасида аниқ

мақсадим. Ўзим ижодга қизиқман, шеърларга куй басталайман. Ўқишга кирсам, тажриба ва малакамни ошириб, ёшларга мураббийлик қилиш ниятидаман.

Ҳарбий хизматни тугатган Мансур Муродимов жисмоний маданият йўналишига ҳужжат топширди. У ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасини қўлга киритган. Мансур ёшлигидан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилади. Мақсадига эришиш учун болагидан спортга меҳр қўйган. Енгил атлетика, тош кўтариш мусобақаларида маҳоратини намойиш этган. Айни чоғда талабалар сарфидан ўрин олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Abituriyent — 2017

чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шунга асосан институт ҳовлисида қабул квоталари маълумотлар ойнаси ва бошқа зарур ташвиқот воситалари жойлаштирилган. Ҳужжатлар институтнинг бош биносидаги кенг ва шинам аудиториаларда қабул қилинмоқда. Абитуриентларнинг керакли йўналишларни танлашига қўмақлашиш мақсадида тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат маслаҳат кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Дурдона Мирзаева Бахмал транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежини битирган. У бошланғич таълим ёки мусиқа йўналишида ўқиш ниятида. Маслаҳат кенгаши унинг ижрочилик маҳорати, мусиқани тинглаш ва ижро этиш малакасини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларини мусиқа таълими йўналишига топширишни маслаҳат берди.

— Мактабда болаларга мусиқадан таълим беришни жуда хоҳлайман, — дейди Дурдона. — Қишлоқ болалари орасида мусиқага меҳр қўйганлар кўп. Уларга давр талаби даражасида билим бериш асосий

Қабул жараёнида абитуриентларнинг ота-оналари учун ҳам қатор қулайликлар яратилган. Кутуш жойларида овқатланиш, яхна ичимликлар сотиш шохобчалари хизмати йўлга қўйилди. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун касб танлашга йўналтирувчи 19 та намунавий хона тайёрланиб, жиҳозланди.

— Абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида 96 нафар техник котиб ишламоқда, — дейди институт қабул комиссияси масъул котиби Бахриддин Ўролов. — Ҳужжатларни базага киритишга мослаштирилган хоналар ахборот-коммуникация технологиялари билан етарли даражада жиҳозланган.

Олий маълумотли педагог бўлиш ҳар бир абитуриентнинг асосий орзуси. Талабалар сарфидан ўрин олиш оson эмас. Бунинг учун етарли билим, кенг дунёқараш ва салоҳият керак. Талабалик сари йўл эса йигит-қизлардан изчил ўқиш ва изланишни талаб этади.

Абдусаттор СОДИҚОВ
Жиззах вилояти

Тарғибот тадбирлари юксак савияда ўтмоқда

Андижонда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами олдидан «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!» шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Ўзбекино” миллий агентлиги, вилоят, туман, шаҳарлар ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандаларидан иборат тарғибот гуруҳлари таълим муассасалари, маданият ва дам олиш мас-

канлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” китобида илгари сурилган гоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари самаралари,



Vatanimiz mustaqilligining 26 yilligi oldidan

халқимиз ҳаётида, онгу тафаккурида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ёшларимиз эришаётган улкан ютуқ ва марралар ҳаётий мисоллар орқали содда тилда тушунтирилди.

Айниқса, Жалақудуқ тумани Ойим шаҳарчасидаги 20-ва Кўргонтепа туманидаги 23-болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Андижон индустриал-педагогика коллежи, Асака автомобиль саноати касб-хунар коллежи, Андижон туманидаги “Равон тарққийёт орзуси” масъуляти чекланган жамиятида бўлиб ўтган тадбирлар иш-

тирокчиларга улкан ғурур ва қувонч бағишлади.

— Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга кўз тегмасин, — дейди Кўргонтепа туманида яшовчи меҳнат фахрийси Давлатхон ая Икромиддинова. — Озод ва обод юртимизда тўй тўйга, байрам байрамга уланаверсин. Фарзандларимиз бахту камолдан кўнглимиз тўқ, кўксимиз осмон. Мана шундай Ватанда яшаётганимизнинг ўзи улкан бахт. Бунинг ёшларга тушунтириш, бошимиздан ўтган машаққатлар ҳақида сўзлаб, уларни шукроналик ва доим дахлдорлик туйғуси билан яшашга, тинчликнинг, бе-

баҳо ёшликнинг қадрига етишга ундаш биз, кексаларнинг бурчимиздир.

Тарғибот тадбирлари Андижон шаҳридаги “Соғлом авлод” стадионида ўтказилган гала-концерт билан якунланди. Қитъа ва жаҳон чемпионатларида, йирик халқаро турнирларда улкан ютуқларни қўлга киритган андижонлик спортчилар ва ҳарбийларнинг кўрғазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

2017-yil 5-iyul, № 53 (9014)

Фуқаролар билан мулоқотнинг самарали тизими

ечимталаб муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қиляпти

Қарийб ўн йилдан буён фаррошлик қилаётган Махбуба Уролова билан Дилфруз Сайдуллаевага бор-йўри 0,5 ставка ҳажмида ишлаётгани оғир бота бошлади. Олган маоши рўзгорнинг камини бутлашга етмагач, ўзaro кенгашиб иш ставкасини оширишга ёрдам сўраб Навоий вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси виртуал қабулхонасига мурожаат этишди. Бошқарма мутасаддилари ҳолат билан яқиндан танишиш мақсадида фаррошлар ишлаётган Хатирчи қишлоқ ҳўжакаши касб-хунар коллежи раҳбарияти билан боғланди. Кўп ўтмай, ички имкониятлардан келиб чиқиб фаррошларга қўшимча 0,25 иш бirligidan қўшиб берилди.

Тошкент давлат маданият институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни тугатгач ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашолмагани Нусрат Соатовни умидсизликка тушириб қўйди. Бошқарма раҳбарияти унинг мурожаатини жиддий ўрганиб чиқиб, масалани ижобий ҳал этди. Айни пайтда Нусрат Соатов Кармана sanoat ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг ахборот-ресурс марказида ишляпти.

Навоий вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасида фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини қабул қилиш ҳамда муаммоларини бартаараф этиш юзасидан муайян ишлар олиб бoриляпти. Бошқармада pv-boshqarma.uz веб-сайти, виртуал қабулхона, тўғридан-тўғри онлайн мулоқот ўрнатиш тизимининг ишга туширилиши мурожаат қилувчиларга кенг имконият яратиш баробарида мутасаддиларнинг соҳа ҳаётига чуқурроқ кириб бoриши, ечимталаб масалаларга эътибор қаратиб, шу аснода амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режасини тузишига хизмат қиляпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида бошқарманинг виртуал қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан юздан ортиқ ариза ва шикоятлар келиб тушган. Ушбу мурожаатлар бошқарма ва тегишли ташкилотлар вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳ томонидан адолатли ва ҳолисона ўрганилиб, 84 нафар фуқарога тушунтириш берилди, 19 нафарининг аризаси қаноатлантирилди, 2

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

та шикоят бўйича ҳаракатлар назоратга олинди.

Бу ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда мурожаатлар тўрт баробар ортиганини кўрсатади. Масъуллар томонидан ариза ва шикоятлар мазмуни ўрганилганда, уларда асосан таълим муассасаларида бюджет маблағларининг талон-торож этилаётгани, ишчи-ходимларга таъйиқ ўтказилаётгани, иш ҳақини ундириш, ўқувчиларни амалиётга жалб этиш, иш билан таъминлаш, ишга тиклаш ва иш бirligidan ошириш сингари масалалар баён этилгани маълум бўлди.

— Айни пайтда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш кўннинг долзарб вазифаларидан саналади. Шу боис билдирилган мурожаатларнинг кўпиди ота-оналарни ҳам ана шу масала безовта қилаётганини сезиш мумкин. Масалага шу нуктага назардан ёндашиб, ҳудудимизда қорақўлчилик бўйича мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиб чиқдик. Шу аснода туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Томди агроиктисодиёт, 2-Нурота қишлоқ ҳўжалиги, Хатирчи агросервис касб-хунар коллежларида 2017-2018 ўқув йилидан эътиборан зоотехник, зоотехник-чорвадор, қорақўлчи, лаборант-осеменатор (ҳайвонларни урчитувчи) ихтисослик-

лари бўйича мутахассислар тайёрлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқдик. Ушбу лойиҳа айни пайтда вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланиб, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига тақдим этилган, — дейди бошқарма масъул ходими Абдурашид Абдухалилов. — Вилоятдаги мактабларнинг

бўйича амалга оширилаётган ишлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурдаги битирувчилар учун иш ўринларини яратиш ва бандлигини таъминлаш штаблари томонидан умумлаштирилиб, таҳлил этилмоқда.

Коллеж битирувчиларининг иш билан таъминлини таълим муассасаларида ўқитилаётган мутахассисликларнинг ҳудуддаги мавжуд талаб ва эҳтиёжга мувофиқлиги ҳам боғлиқ. Шу маънода, Навоий вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўтказилган таҳлиллар коллежларнинг 23 тасида 50 янги йўналиш ташкил қилиш, талаб йўқлиги сабабли 25 йўналишни қисқартириш зарурлигини кўрсатди. Иқтисодиётнинг реал кадрларга эҳтиёжини қилиб қилиб, Зарафшон компьютер технологиялари касб-хунар коллежининг ихтисослиги (профили)ни ўзгартириш, янги мутахассисликлар очиш ҳамда таълим муассасаси номини Зарафшон кончилик электроэнергетика касб-хунар коллежи деб ўзгартириш юзасидан Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига таклифлар тақдим этилди.

— Ҳар бир мурожаатни синчиклаб ўрганиб, ижобий ҳал этишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бироқ айрим фуқароларнинг ҳуқуқий билими саёзалиги боис мурожаатлари ўзига ортиқча ташвиш пайдо қилиб, баъзан асаббузарликлар келиб чиқишига сабаб бўляпти. Шундай ҳолатларда ишнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришга ҳаракат қиламиз, — дейди Навоий вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси юридик маслаҳатчиси Отабек Уллов. — Бугунги давр кишиси ўз ҳуқуқини нечоғлик пухта бilsa, мажбуриятларини ҳам шундай теран англамоғи, манфаатлари қонунчилигимизга мувофиқлигини онгли равишда идрок этмоғи лозим.

Фарзандининг коллежни тугатиб, мумкин иш ўрнига эга бўлиши ота-оналарга хотиржамлик бағишлайди. Шу нуктага назардан жорий ўқув йилида касб-хунар коллежларини тугатган 12225 нафар ёшнинг 96,2 фоизи тўрт томонлама шартномага эга. 11929 нафар битирувчиға солиқ тўловчининг идентификация рақами берилди. 11807 нафар ёшга жамғириб бoриладиган пенсия дафтарчаси очилди. Корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида коллежларнинг 805 нафар ўқувчиси ўртача 250–300 минг сўмдан иш ҳақи олди.

Битирувчиларга кредит ажратиб, ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида очик мулоқот ва семинарлар ташкил этилаётди. Жараёнда касб-хунар коллежларининг 684 нафар битирувчисиға қарийб 3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бўш турган хоналар

қисқа муддатли гуруҳга айланди

Болаларнинг мактабда қандай ўқиши ва фанларни ўзлаштириши кўпича мактабгача таълим муассасасида олган таълим-тарбиясига боғлиқ. Шу боисдан ҳам соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Мазкур ҳужжатнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

5-мактабгача таълим муассасаси Шароф Рашидов туманининг «Тарақли» маҳалласида жойлашган. 120 ўринга мўлжалланган бино кўп йиллар қуввати даражасида хизмат кўрсата олмади. Ушбу ҳолатни бартаараф этиш учун жамоа бир ёқадан бош чиқарди ва саъй-ҳаракатлар эвазига 90 нафар боланинг мунтазам қатнови таъминланди.

— Гуруҳларда болаларнинг аклий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи 10 йўналишдаги марказ, тўғрақлар мунтазам фаолият кўрсатяпти, — дейди муассаса му-

дираси Раъно Нуриддинова. — Ётоқхона, овқатланиш хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Фарзанди боғчага қатнамаётган ота-оналар бундай шароитни кўриб, ўғил-қизларининг ўзлари учун мақбул бўлган қисқа муддатли гуруҳларда тарбияланишини исташмоқда.

Муассасадаги 2 та қисқа муддатли гуруҳда 50 нафар бола тарбия олмоқда. Машғулотлари Нарғиза Қурамова олиб бoримоқда.

— Ҳар куни «Билимдон» дастури асосида 3 соат мобайнида машғулот ўтказамиз,

— дейди тарбиячи. — Ўқув куроллари, кўргазмалли материаллар етарли. Болажонлар ўқиш, ҳисоблаш машғулотларини кўн билан ўзлаштирмоқда. Бундан ота-оналар жуда мамнун.

Тумандаги яна бир маскан — 6-МТМда 130 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Аҳоли эҳтиёжига кўра «Самарқанд кудук» ҚФЙ ҳудудига ҳам боғчанинг 140 ўринли филиали очилган. Лекин хоналарнинг таъмирталаблиги туфайли 1-қаватдан фойдаланиш қийин бўлмоқда. Ҳозир 2-қаватда 80 нафар болажон 3 та гуруҳда тарбияланмоқда. Жамоа ички имкониятдан фойдаланган ҳолда бўш турган хонани таъмирлаб, қисқа муддатли гуруҳ очди.

— Набирам Зарифа ҳар кунлик машғулотлардаги топшириқларни жон-дили билан бажаряпти, — дейди Солия Холмирозова. — Фақатгина ёзув, ҳисоб, савод ўрганишдан ташқари болалар билан биргаликда ўйнаш, дарс тайёрлаш пайтида диққатини жамлашга мослашяпти.

— Худудимизда 600 га яқин хонадон истиқомат қилади, —

дейди боғча филиали ходими Мухаббат Султонова. — Хонадонларни ўрганиб чиқганимизда 7 ёшгача бўлган 592 нафар бола боғчага қамраб олинмаганлиги аниқланди. Агар биномиз тўлиқ қувват билан ишласа, ўғил-қизларнинг барчасини босқичма-босқич қамраб олиш имкониятига эгамиз. Албатта, бунда қисқа муддатли гуруҳларни кўпайтириш энг самарали йўл саналади.

Ўрни келганда айтиш керакки, қисқа муддатли гуруҳларда ишлаётган тарбиячилар методик ёрдамга эҳтиёж сезмоқда. Шуни ҳисобга олиб, тумандаги муассасаларда фаолият кўрсатаётган тарбиячилар учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда йўналишдаги муаммолар ҳам ўрганилиб, ечим топилоқда. Хусусан, мавжуд боғчаларда 22 та гуруҳ фаолият кўрсатмаётганлиги аниқланиб, қисқа муддатли гуруҳлар очилди. Натижада яна 447 нафар бола МТМга жалб қилинди.

— Бугунги кунда вилоятимизда 173 та МТМ фаолият кўрсатмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси-

Qaror va ijro

нинг мактабгача таълим мутахассиси Гулчехра Арибжоннова. — 71 та МТМда муассасага қамраб олинмаган 3–6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш дастури яратилди. Таҳлилларга кўра ана шу ҳудудлардаги 10884 та оилаларда 12221 нафар бола муассасага қамраб олинмагани аниқланди. Уларни қисқа муддатли гуруҳларга жалб этиш мақсадида тарбиячилар ҳамда МФЙнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида семинар ўтказилди. Ота-оналарга мактабга тайёргарлик билан боланинг ҳар жиҳатдан ус-тун бўлиши мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Вилоятда «2017—2021 йилларда МТМларда болаларни мактабга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш истиқбол режаси» яратилди. Унга кўра яқин 5 йилда 355 та қисқа муддатли гуруҳ очилиб, 17750 нафар бола жалб этилади. Ҳар бир ўғил-қизнинг мактабга муайян даражада билим ва тушунча билан қадам қўйиши муҳим аҳамият касб этади.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Жиззах вилояти

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida ta'lim sohasida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar ta'lim-tarbiya sifatini oshirish, o'qitish mazmunini yangilash, takomillashtirish, o'qituvchilarning kasbiy mahoratini oshirish, jismonan sog'lom, ma'nan yetuk, barkamol avlodni tarbiyalash uchun zarur shart-sharoitlar yaratib berdi.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmoni bilan 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi qabul qilinishi xalq ta'limi tizimida o'ziga xos ahamiyat kasb etdi.

Harakatlar strategiyasining to'rtinchi — "Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari" bo'limida ta'lim va fan sohasini yanada taraqqiy ettirishning quyidagi aniq choralarini belgilab berildi:

- ta'lim muassasalarini qurish, rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash, zamonaviy o'quv-laboratoriya uskunalarini, kompyuter texnikasi va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan jihozlash bo'yicha ishlarni amalga oshirish orqali ularning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash;

- maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini kengaytirish, bolalarning intellektual, estetik va jismoniy rivojlanishi uchun ushbu muassasalardagi shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash, bolalarning maktabgacha ta'lim bilan qamrab olinishi ko'lamini jiddiy oshirish va uning qulayligini ta'minlash, pedagog va mutaxassislarining malaka darajasini yuksaltirish;

- umumiy o'rta ta'lim sifatini tubdan oshirish, chet tillar, informatika hamda matematika, fizika, kimyo, biologiya kabi talab yuqori bo'lgan fanlarni chuqurlashtirilgan tarzda o'rganish;

- bolalarni sport bilan ommaviy tarzda shug'ullanishga, musiqa hamda san'atga jalb qilish maqsadida yangi bolalar sporti obyektlarini, bolalar musiqa va san'at maktablarini qurish, mavjudlarini rekonstruksiya qilish;

- kasb-hunar kollejlari o'quvchilarini bozor iqtisodiyoti va ish beruvchilarning ehtiyojlariga javob beradigan mutaxassisliklar bo'yicha tayyorlash hamda ishga joylashtirish borasidagi ishlarni takomillashtirish;

- ta'lim va o'qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini joriy etish asosida oliy ta'lim muassasalarini faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish, oliy ta'lim muassasalariga qabul kvotalarini bosqichma-bosqich ko'paytirish;

- ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o'quv yurtlari va ilmiy-tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriyalar, yuqori texnologiya markazlari va texnoparklarni tashkil etish kabi vazifalar belgilangan.

Vazirlar Mahkamasining shu yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli va 15-martdagi "Umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 140-sonli qarori sohani rivojlantirishdagi yana bir o'ziga xos yangilik bo'ldi.

O'z navbatida bu yangilik va

o'zgarishlar har bir xodimdan 2017-2018-o'quv yilida yanada g'ayrat bilan ishlashni, fidoyilikni talab qiladi.

Bu yilgi avgust kengashlarini o'tkazishda quyidagi vazifalarga e'tibor qaratish lozim:

- avgust kengashlarining yalpi va sho'ba yig'ilishlarida 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi hamda "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini" Davlat dasturidagi maqsad va vazifalarni pedagog-xodimlarga yetkazish;

- viloyat, tuman(shahar)lardagi yalpi va sho'ba yig'ilishlarida erishilgan yutuqlar bilan birga aholi bilan o'tkazilgan uchrashuvlarda bildirilgan takliflar asosida ta'limni rivojlantirishni ta'minlashga e'tibor qaratish;

- kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standartlari, o'quv dasturlari, darsliklardagi o'zgarishlarni har bir pedagog xodimga yetkazish;

- Xalq ta'limi vazirligi tashabbusi bilan o'tkazilgan boshlang'ich ta'lim (13-, 14-iyul 2016-yil), tabiiy va aniq fanlar (8-, 9- noyabr 2016-yil) ijtimoiy fanlar (24-, 25- mart 2017-yil) amaliy fanlar (4-, 5-iyul 2017-yil) bo'yicha o'qituvchilarning Respublika forumi tavsiyalarini hamda yanvar oyidan shu kunga qadar tashkil etilgan (tabiiy va aniq fanlar, filologiya va chet tili yo'nalishidagi fanlar, ijtimoiy, amaliy fanlar) yo'nalishidagi videoseminar materiallari mazmun-mohiyatini har bir o'qituvchiga yetkazish;

- eduportal.uz va rtm.uz saytiga joylashtirilgan metodik materiallar, "Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTSni joriy etishga tayormisiz?", "Pedagogik texnologiyalar — tayanch kompetensiyalarni shakllantirish omili", "Biologiyadan tayanch kompetensiyalar fanlararo bog'lanish orqali shakllantirilsa, o'zlashtirish samaradorligi oshadi", "Fizika darsida refleksiya o'tkazish metodikasi", "O'Ichov birliklari, undan foydalanishni boshlang'ich sinf o'quvchisiga to'g'ri o'rgataylik", "O'xshatish va solishtirish ko'nikmasini shakllantirish metodikasi", "Tadqiqotchilik ta'lim texnologiyasi", "O'quvchilarda predmetga oid kompetensiyalarni shakllantirish", "Kompetentlikka yo'naltirilgan topshiriqlar", "Tabiiy fanlardan laboratoriya mashg'ulotlari" kabi materiallar bilan tanishtirish;

- o'qituvchilarga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, elektron ta'lim resurslari va

multimedia taqdimotlaridan foydalanish bo'yicha bilimlarni yetkazish;

- ta'lim sifati monitoringi, fan olimpiadasi, bilimlar bellashuvi, "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" ko'rik-tanlovi natijalarini tahlil qilish orqali ta'lim sifatini oshirish bo'yicha tahlillar asosida taqdimotlar o'tkazish, yangi o'quv yilida amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar (bo'shliqlarni to'ldirish) yuzasidan ko'rsatma va tavsiyalar ishlab chiqish;

- umumiy o'rta ta'lim maktablarining pedagogik kengash, metodik kengash va metodbirlashmalari faoliyatining samaradorligini oshirish;

- tahlil asosida ta'lim berishning zamonaviy metodlari bilan muntazam tanishtirib borish maqsadida o'quvlar, konferensiyalar tashkil qilish, ilg'or tajribalarni targ'ib qilish, videodarslar, elektron dars ishlanmalari, tavsiyalarni ta'lim portalida berib borish orqali pedagoglarga metodik ko'maklashish, ularning ilmiy salohiyatini oshirishga yo'naltirish, o'z ustida ishlashini tizimli yo'lga qo'yish;

- o'quvchilarda hurmat-ehtirom tuyg'ularini shakllantirish, dunyoqarashini kengaytirishga oid ustuvor yo'nalishlarni belgilab olishdan iborat.

An'anaviy avgust kengashlarini o'tkazish tartibi

An'anaviy avgust kengashlarini Xalq ta'limi vazirligining 2017-yil 14-iyundagi "An'anaviy avgust kengashlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risida"gi 201-sonli buyrug'i asosida "Fidoying bo'lgaymiz sening, O'zbekiston!" shiori ostida o'tkazish tavsiya etiladi.

An'anaviy avgust kengashlariga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish bo'yicha trener-o'qituvchilarni tayyorlash uchun respublika o'quv-videoseminari 2017-yilning 8–10-avgust, hududlarda o'quv seminarlar 14-15-avgust, tuman(shahar)larda fan va yo'nalishlar bo'yicha sho'ba yig'ilishlari 17–19-avgust, tuman(shahar)larda yalpi yig'ilishlar 22–25-avgust, umumiy o'rta ta'lim maktablarida pedagogik kengash yig'ilishlari 29–31-avgust kunlari o'tkaziladi.

Viloyat xalq ta'limi boshqarmalari an'anaviy avgust kengashining sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish uchun trener-o'qituvchilarni tayyorlash bo'yicha respublika o'quv-videoseminari hamda hududiy o'quv-seminarlarini o'tkazish yuzasidan tavsiyalar:

An'anaviy avgust kengashlarining eng muhim jihati bu tuman (shahar) miqyosida har bir fan kesimidagi sho'ba yig'ilishlarini samarali tashkil etishdir. Shuning uchun bu yig'ilishlarni o'tkazuvchi trenerlarni tayyorlashga mas'uliyat bilan yondashish lozim. Xususan, respublika o'quv-videoseminarida hududiy studiyalarda qatnashadigan trener-o'qituvchilarni shakllantirishda ijodkor, izlanuvchan va Xalq ta'limi vazirligining 2017-yil 16-maydagi "Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturlarini amaliyotga samarali joriy etish yuzasidan maqsadli o'quvlar tashkil etish to'g'risida"gi 166-sonli buyrug'i asosida o'tkazilgan o'quvlarida

qatnashgan o'qituvchilarni jalb etishga alohida e'tibor berish kerak.

Respublika o'quv-seminarlari sho'balarning mavzuiy dasturi quyidagicha:

1. Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini 2017-2018-o'quv yilidan boshlab bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish.

Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qarori ijrosini ta'minlash yuzasidan kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan Davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlarini amaliyotga samarali joriy etishda yo'nalishlar bo'yicha xalq ta'limi xodimlari oldida turgan vazifalar:

- filologiya fanlari yo'nalishi;
- tabiiy va aniq fanlar yo'nalishi;
- ijtimoiy fanlar yo'nalishi;
- amaliy fanlar yo'nalishi kabi.

2. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ta'lim sifatini oshirish:

- umumiy o'rta ta'lim va ixtisoslashtirilgan maktablarda chet tili fanlarining o'qitilishi: o'rganish, o'qitish, baholash;

- ta'lim sifati monitoringi jarayonida o'quvchilarda umumta'lim fanlaridan kompetensiyalar shakllanganligini aniqlash mexanizmi;

- ta'lim muassasalarini faoliyatini attestatsiya va akkreditatsiya qilish jarayonida uchragan kamchiliklarni bartaraf etish.

3. Vazirlar Mahkamasining joriy yil 140-sonli qarori ijrosini amaliyotga joriy etish:

- ta'lim muassasalarini direktorlari va ularning o'quv ishlari bo'yicha o'rinbosarlarining yangi o'quv yilidagi vazifalari;

- ta'lim muassasalarida o'quv-laboratoriya jihozlari samarali foydalanish;

- umumta'lim maktablarida amaliyotchi psixologlar faoliyatini samarali tashkil etish borasidagi vazifalar.

4. Ta'lim muassasalarida ma'naviy-axloqiy tarbiya ishlari yanada samarali tashkil etishning dolzarb vazifalari:

- ta'lim muassasalarida O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti tavallud topgan sana — 30 yanvar kunini keng nishonlash, 2-sentabr kuni Xotira kuni tadbirlarini tashkil etish yuzasidan tavsiyalar;

- umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarida yuksak huquqiy madaniyatni shakllantirish omillari;

- umumiy o'rta ta'lim maktablarida tarbiyaviy soat mashg'ulotlarini o'tishda innovatsion yondashuv hamda tarbiyaviy soatlarning yangi mavzu rejalari va mavzular bo'yicha namunaviy dars ishlanmalari.

5. Maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirish va o'quvchi-yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish:

- "Barkamol avlod" bolalar markazlari faoliyati samaradorligini oshirish;

- umumta'lim maktablarida o'quvchilar qiziqishi bo'yicha to'garaklarni tashkil etishning samarali usullari.

6. Jismoniy yoki psixik rivojlanishida nuqsoni bo'lgan, shuningdek, uzoq vaqt davolanishga muhtoj bolalarga udda yakka tartibda ta'limni tashkil etish:

(Davomi 7-betda.)

2017-yil 5-iyul, № 53 (9014)

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

(Davomi. Boshi 6-betda.)

• o'quvchilarni uyda yakka tartibda o'qitish va dars o'tayotgan o'qituvchilarning ish hujjatlarini rasmiylashtirish;

• imkoniyati cheklangan bolalarga dars o'tishning samarali yo'llari va metodlari.

7. Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya sifatini oshirish yo'llari:

• O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrda "Maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha 2017-2021-yillarga mo'ljallangan dasturni tasdiqlash to'g'risida"gi PQ-2707-sonli qarori asosida takomillashtirilgan normativ-huquqiy hujjatlar, yangi tahrirdagi "O'zbekiston Respublikasida maktabgacha ta'limga qo'yilgan Davlat talablari"ni maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etish;

• 5-6 yoshli bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashning yangi shakllarini joriy etish maqsadida qisqa muddatli (3-4 soatli) guruhlar faoliyatini takomillashtirish;

• bolalarni intellektual, estetik va jismoniy rivojlantirish, oilalar uchun tarqatilgan 5 va 7 nomdagi kitoblardan foydalangan holda maktab ta'limiga sifatli tayyorlashda maktabgacha ta'lim muassasasi, oila, maktab, mahalla hamkorligini yo'lga qo'yish.

Trener-o'qituvchilarni tayyorlash bo'yicha hududlarda o'quv-seminarlarni tashkil etish

Viloyatda tashkil etiladigan o'quv-seminar fanlar va mutaxassisliklar, yo'nalishlar bo'yicha alohida-alohida o'tkaziladi. Shuning uchun tuman(shahar)lar kesimida fan sho'balari va fan o'qituvchilarining sonidan kelib chiqib trener-o'qituvchilar ro'yxatini shakllantirishga ahamiyat qaratiladi.

Tuman(shahar) sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish uchun trenerlar tayyorlash o'quv-seminarida kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS va o'quv dasturlarini tajribasidan o'tkazgan va viloyatdagi ilg'or, tajribali trener-o'qituvchilarning hamda XTXQTMOI o'qituvchilarini jalb qilgan holda bir kunlik o'quv o'tkazish maqsadga muvofiq.

O'quv-seminar mavzularini belgilashda quyidagi yo'nalishlarga e'tibor qaratish lozim:

1. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS va o'quv dasturi bilan tanishtirish hamda u asosda taqvim-mavzu reja tuzish (2 soat).

2. Kompetensiyaviy yondashuv asosida o'tiladigan dars jarayonini tashkil qilish va o'tkazishda o'qituvchilar e'tibor qaratishi lozim bo'lgan asosiy vazifalar (1 soat).

3. Dars jarayonida qo'llanadigan multimedia vositalaridan foydalanish yo'llari (1 soat).

4. Dars jarayonida o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan metodlar va ularni qo'llash yo'llari (1 soat).

5. Darsda o'quvchilarning mustaqil va ijodiy faoliyatini tashkil etish yo'llari va baholash mezonlari haqida (1 soat).

O'quv-seminar materiallarini tayyorlashda respublika o'quv-videoseminari materiallari hamda Xalq ta'limi vazirligi, Respublika ta'lim markazi saytlariga joylashtirilgan fanlar kesimida o'tkazilgan forum, videoseminar materiallari, "Ma'rifat" gazetasida fanlar bo'yicha berilgan tavsiyalar va o'quvchilarda kompetensiyaviy yondashuvni shakllantirishga oid materiallardan foydalanish lozim.

Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish bo'yicha tavsiya

Tuman(shahar)da sho'ba yig'ilishlari fan o'qituvchilari, umumiy o'rta ta'lim maktab rahbarlari (direktor, direktor o'rinbosari), kutubxonachi, maktabdan tashqari ta'lim muassasalarini, maktabgacha ta'lim muassasalarini xodimlari uchun tashkil etiladi.

Tashkiliy ishlar:

Tuman(shahar) miqyosida fan sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish uchun:

• fan yo'nalishidagi zamonaviy o'quv-laboratoriya jihozlari bilan ta'minlangan tayanch umumiy o'rta ta'lim maktabini tanlab olish;

• tayanch umumiy o'rta ta'lim maktablarida amalga oshirilgan ijodiy ishlar va har bir maktabning o'quv yili yakunidagi ko'rsatkichlarini aks ettirgan namoyishlar hamda kitoblar ko'rgazmasini tashkil etish;

• fan sho'ba yig'ilishlariga barcha o'qituvchilarni to'liq qamrab olishga erishish, o'qituvchilar sonini guruhlarda 25 nafar etib belgilash.

Trener o'qituvchilarni sho'ba sonidan kelib chiqqan holda belgilash hamda viloyat o'quv-seminari uchun ularning ro'yxatini shakllantirish;

• tuman(shahar) fan sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish jadvalini tuzish va shu jadval asosida o'tkazilishini ta'minlash;

• zarur kompyuter, videoproektor, qog'oz, marker va boshqa vositalarni tayyorlash;

• sho'ba yig'ilishlari ishtirokchilariga tuman(shahar), viloyat va respublikada ish tajribasi ommalashtirilgan ilg'or o'qituvchilarning faoliyatini targ'ib qiluvchi tavsiyalardan foydalanish.

Sho'ba yig'ilishlariga rahbarlik tuman(shahar) miqyosidagi fan metodisti yoki fan uyushmasi raisi tomonidan olib boriladi.

Avgust sho'ba yig'ilishlarida ta'lim sifatini oshirishga oid quyidagi yo'nalish va mavzularda fikr yuritish tavsiya etiladi:

Sho'ba yig'ilishlarida:

• ta'lim jarayoniga tatbiq etiladigan o'quv reja, o'quv dastur va darsliklardagi o'zgarishlarni pedagog-xodimlarga yetkazish;

• o'qituvchilarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, elektron ta'lim resurslari va multimedia vositalaridan foydalanish bo'yicha tavsiyalar berish;

• fanlar bo'yicha monitoring,

olimpiada va bilimlar bellashuvi natijalarini tahlil qilish orqali aniqlangan bo'shliqlar yuzasidan ijodkor o'qituvchilar va "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" ko'rik-tanlovi g'oliblari ishtirokida "Mahorat darslari" tashkil etish;

• dars jarayonida multimedial ilovalar, axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalarni qo'llashga oid ochiq darslar tashkil etish;

• ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalarining o'quv reja va dasturlarini, o'quv qo'llanmalarini jarayonga tatbiq etishga oid yo'riqnomaga berish;

• to'garaklar tashkil etish va uning rejasini tuzish, o'tkazish usullari haqida tavsiya berish;

• Xalq ta'limi vazirligi, Respublika ta'lim markazining veb-sayti va boshqa manbalardagi metodik materiallar bilan tanishtirish hamda ularidan foydalanish yo'llarini o'rgatish;

• har bir o'quvchining ehtiyoji, qiziqishi, iqtidori va imkoniyatiga qarab o'quv topshiriqlarini tayyorlashni o'rgatish.

"Mustaqillik darslari"ni mazmunan yuqori saviyada tashkil etish, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 25-yanvardagi "O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning xotirasini abadiylashtirish to'g'risida"gi PQ-2744-sonli qaroriga muvofiq Xotira darslarini tashkil etishga oid tavsiyalar berish maqsadga muvofiq.

O'quvlar yakunlangach, ishtirokchilar bilan o'zaro muloqotlar tashkil etiladi. Muloqot natijasida ularning takliflari va hozirgi kun talabidan kelib chiqib vazifalar belgilanadi.

Avgust kengashlarining yalpi yig'ilishlarini o'tkazishga oid tavsiya

Avgust kengashlarining yalpi yig'ilishlarini sho'ba yig'ilishlaridan keyin, madaniyat saroylarida, ochiq amfiteatrlarda, istirohat bog'larida yoki namunaviy maktablarda o'tkazish tavsiya etiladi.

Yalpi yig'ilishlarga tuman(shahar) hokimligining mas'ul xodimlari, hokimlik tarkibidagi tuzilmalarning rahbarlari, davlat va nodavlat tashkilotlari, jamg'armalar hamda homiy tashkilot vakillari, xalq ta'limi sohasida uzoq yillar samarali mehnat qilib, hozir nafaqada bo'lgan ustoz muallimlar va "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" ko'rik-tanlovi g'oliblari, yosh pedagoglar taklif etiladi.

Yig'ilishga mahalliy hokim yoki uning o'rinbosari, "Mahalla" xayriya jamoat fondining hududiy bo'limi vakillarini taklif etish ta'lim dargohida yo'l qo'yilayotgan muammolarni bartaraf etishga yordam beradi. Ularning takliflari ta'lim-tarbiya sifatini oshirishga zamin yaratadi.

Kengaytirilgan yig'ilishda tuman(shahar) XTMTTEB mudiri tumandagi ta'lim-tarbiya jarayoni va uni takomillashtirish yuzasidan amalga oshirilayotgan ishlar, muammolar va ularning yechimi bo'yicha videolavha asosida hisobot qiladi.

Tuman(shahar) hokimligining mas'ul vakillari, tuman (shahar) xalq ta'limi muassasalarini faoliyatini metodik

ta'minlash va tashkil etish bo'limi xodimlari, ichki ishlar, sog'liqni saqlash idoralari vakillari bilan ochiq muloqot tashkil etish yaxshi natija beradi.

Shuningdek, anjumanda yosh o'qituvchilar qasamyodi, ularni o'qituvchilar safiga qabul qilish, fidoyi xalq ta'limi xodimlarini taqdirlash hamda ijodkor, san'atkorlarning chiqishi tashkil etilishi muhim sanaladi.

Muloqot yakunida kelgusi vazifalar belgilab olinadi va 2017-2018-o'quv yilida bajariladigan ishlar yuzasidan murojaatnoma qabul qilinadi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida pedagogik kengashlarni tashkil etish va o'tkazish yuzasidan tavsiya

Pedagogik kengashlarni joriy yilning 1-sentabrigacha bo'lgan muddatda o'tkazish tavsiya etiladi.

Pedagogik kengash yig'ilishidan 10 kun oldin o'qituvchilar soniga qarab uch guruh va har bir guruhda bir necha fokus guruhlarini tuzib olish lozim. Har bir guruhga alohida topshiriqlar beriladi. Topshiriqlar fokus guruhlarida muhokama qilinib, takliflar tayyorlanadi. Birinchi guruhga "Umumiy o'rta ta'lim maktabimizning samarali faoliyat ko'rsatishiga to'sqinlik qilayotgan omillar va ularni bartaraf etish yo'llari", ikkinchi guruhga "Ta'lim sifatini oshirishga to'sqinlik qilayotgan kamchiliklar va ularni bartaraf etish yo'llari", uchinchi guruhga "Dars jarayonida o'quvchilarning o'qishga qiziqishini oshirish, mustaqil ta'lim olishini shakllantirish uchun o'qituvchilar tomonidan qanday ishlarni amalga oshirish lozim?" mavzularida topshiriqlar beriladi.

Pedagogik kengash quyidagi tartibda o'tkaziladi:

1. Kengash yig'ilishida umumiy o'rta ta'lim maktabining direktori o'qituvchilarning hisoboti asosida metodbirlashma raisi tomonidan tayyorlangan yakuniy ma'lumot, sinflar kesimida tayyorlangan monitoring natijalari asosida har bir o'qituvchining faoliyatini baholab, hisobot beradi.

2. Har bir fokus guruhi berilgan topshiriqlar bo'yicha o'z taklifini bayon qiladi. Ushbu takliflar muhokama qilinib, yangi o'quv yili uchun tavsiyalar qabul qilinadi.

Yangi o'quv yili oldidan an'anaviy avgust kengashlarini to'g'ri va sifatli tashkil etish ta'limda yuqori samaradorlikka erishishda muhim ahamiyatga ega. Buning uchun viloyat xalq ta'limi boshqarmalari hamda tuman(shahar) xalq ta'limi muassasalarini faoliyatini metodik ta'minlash va tashkil etish bo'limi metodistlari o'z vazifalariga siddiqdofidan yondashishlari maqsadga muvofiqdir.

(Avgust anjumani yanada samarali o'tkazish uchun ushbu tavsiyalardan ijodiy foydalanish mumkin).

Fanlar kesimida an'anaviy avgust kengashlarini o'tkazish yuzasidan tavsiyalar gazetasining keyingi sonlarida chop etiladi.

Respublika ta'lim markazi

Тугма биологик хусусиятлар

Кишилик жамиятида учраётган муаммоларнинг энг жумбоқлиси инсон табияти, унинг фель-аторини тўлиқ тушуниш муаммоси бўлиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига, турли назариялар илгари сурилганига қарамай, ҳамон аниқ, равшан ва лўнда жавоб олинган эмас. Бунинг сабаби оддий: шaxслар орасидаги фарқ жуда хилма-хилдир. Бу тафовут нафақат ташки кўриниш, балки олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб хатти-ҳаракат ва фель-аторда ҳам кўзга ташланади. Ер курсида яшовчи етти миллиарддан ортқ инсоннинг қиёфа жиҳатидан бир-бирига айнан ўхшаш шериги бўлмаганидек, характер, психологик, физиологик хусусиятлари ҳам асло иккинчисини такорламайди. Бу ҳолат кишиларнинг барчасини муайян бир тасниф асосида бирлаштиришга имкон бермайди, албатта.

Масаланинг долзарб жиҳати шундаки, хавфсизликнинг асосий субъектларидан бирини ёшлар аудиторияси ташкил этади. Улар шахсининг хавфсизлиги ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганилиши, буни таъминлаш борасида қандай ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ахборот-психологик, маданий, мафкуравий таъсирларга эътибор қаратиш зарурлигини белгилаб олиш учун имкон яратадди. Ўз навбатида, булар мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилши режалаштириладиган дастурий тадбирларни мазмун бойитишга хизмат қилади. Мамлакатимиз раҳбари ўз чиқишларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ёшларимиз, халқимизни бундай тахдидлардан асраши нақадар муҳим эканлигини

ган реакция тезлиги кучаяди. Бу ҳолда оддий таъсирловчилар ноадекват реакция кўзғатади. Бosh миya пeshona қисми зарарланган шaxслар турли фитна, игво-ларга тез ва тажовузкорона жавоб берадилар, шунингдек, кўпинча сержаҳл, асабий ва ёмон кайфиятда юрадilar. Америкалик олиmlар аниқлашдики, мияси зарарланган махбуслар бошқаларига қараганда кўпроқ зўравонликка, куч ишлатиш йўли билан жиноят қилишга мойил бўлар экан. Шу билан бирга, деструктив жиҳатга ирсий омиллар, жароҳатланиш ва алкогoл туфайли миядаги айрим тормозловчи марказлар фаолиятининг тўхташи ҳам сабаб бўлиши мумкин. Англияда ўз хатти-харакатлари мотивини англамайдиган 30 ёшгача бўлган қотиллар гуруҳини ўрганган тадқиқотчилар уларнинг учдан икки қисмида аномал электронцефалограмма (ЭЭГ) мавжудлигини аниқлашди. Бош миянинг чека қисми фаолияти бузилиши натижасида келиб чиқадиган тутқаноқ (эпилепсия) касаллиги сабабли жазавага тушиш, қаҳр-ғазабга мишиш ҳолатлари кузатилиши барчамизга маъ-

шилар миясидаги қараганда анча кам эканлиги аниқланган. Жиноят қилишга мойиллик ва серотонин моддаси микдори орасидаги боғлиқликни Т.Бахур тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди. Демак, инсон миясида бу модданинг камлиги ёки етишмаслиги турли бузғунчиликларнинг содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунга монанд тарзда инсон гормонал тизимининг хусусиятлари ва унинг деструктив фаолиятга мойиллиги ўрта-сида боғлиқлик бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлар илгари сурилмоқда. Транзакт тахлил назариясининг асосчиси Э.Берн таъкидлаганидек, биз кўпинча ички секрция безлари ёрдамида ишлаб чиқилган гормон хусусиятларини ҳисобга олмаимиз. Улар эса бирор нарсага яратиш ёки вайрон қилишга интилиш хиссини тугдиради.

Нейрофизиологик жараён

Олимлар турли ирсий хасталиклар (масалан, шизофрения) ҳам кишини сал-

фатидаги қобилиятларини намоён этишда ифодаланади. Маслоунинг фикрича, инсон ўзининг асосий (базавий) эҳтиёжларини қонди-ролмаса, унда компенсацияловчи, қўшимча механизмларнинг ишга туши-шига сабаб бўладиган норасолик ҳисси шаклланади. Кўпинча бундай механизм сифатида салбий ҳаракатлар намоён бўлади. Шундай қилиб, қондирилмаган эҳтиёж кишини йўлдан оздирувчи хатти-ҳаракатга ундаши Маслоу тадқиқот-ларидан яна бир қарра ўз исботини топ-ди. Эҳтиёжнинг инсон ижодий салоҳия-тини рўёбга чиқариш, ўзини ўзи намоён қилишдаги аҳамияти бошқа психолог-лар, хусусан, А.Адлер тадқиқотларида ҳам аниқланган. "Инсон ҳаётининг асо-сий қонуни сифатида унинг устунлик, афзаллиққа интилишини кўрсатиш мум-кин", деб ҳисоблайди олим. Бироқ бу интилишнинг нафақат деструктив, бал-ки конструктив йўналишда ҳам қўлла-ниш эҳтимоли мавжуд. Деструктив йўна-лиш ҳулқ-атвори шароитга қийин мос-лашадиган, худбин, шахсий манфаат-

Ogohlik — davr talabi

олмайдилар, кайфиятлари кўпинча аф-фект ҳолат таъсирида тез ўзгариб ту-ради. Бундай кишилар ўз турмуш та-рларини анланган ёки анланган ҳамвф, тахдидлардан ҳимоялашга интиладилар. Таъкидлаш лозимки, маъкур тахдидлар хавбй, бадқовоклик, бедаблик, орсизлик, дағаллик уларга хосдир. Бундай киши-лар турли низо ва мунозараларни келти-риб чиқариб, уларнинг фаол ишти-роқчиси бўлишади. Сержаҳл, серзарда, жижзакчи бўлиб, тез-тез иш жойларини ўзгартириб туришда, жамоадагилар бил-дан чиқиб олмайдилар. Улар мулоқотга киришувчан бўлса ҳам, вербал ва но-вербал реакциялари, хатти-ҳаракатла-ри суст.

Мухит яна бир омил

Албатта, шaxс онги, ҳулқи ҳамда фа-олияти мазмунини уни қўраб олган му-ҳит таъсирисиз белгилаш мумкин эмас. Киши онги, ҳулқи, характери микро ва макро муҳитдаги фаолияти орқали бошқарилади. Ижтимоий муҳитдаги но-соғломлик эса киши онги ва ҳулқида турли оғишларни келтириб чиқариши табиий. Шахсни манипулятив тарзда бошқариш, аввало, онг фаолиятининг ўрнини, механизм ва қонуниятларини назарий ва амалий талқин қилиб, сўнг антиманипулятив ҳулқни шакллантириш заруратини келтириб чиқаради. Бу йўна-лишда олиб бориладиган илмий-тадқи-қот ишларида қуйидаги вазибаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ёшларнинг таълим-тарбияси жараёнини турли мезонлар асосида ўрганиш, ёт гуруҳлар билан алоқаларнинг вужудга келиши сабабларини аниқлаш;
• бузғунчи гуруҳларнинг қандай пайдо бўлиши, фаолият доирасининг кенгайишини, ўз таркибига ёшларни жалб қилиш усул ва воситаларини ўрганиш;
• ёшларни вайронкор гоя ва гуруҳлар таъсиридан сақлашнинг психологик усулларини аниқлаш, амалиётчи психолог ва педагоглар учун ишланмалар яратиш;
• ёшларнинг турли таъсирларга бериладиган таъсирини таъминлаш маънавий ҳимоя, иммунитет тизимини яратиб, асертив ҳулқ-атворни шакллантиришнинг психологик моделини ишлаб чиқиш;
• таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва маҳалла фаолларининг маъкур масалалар юзасидан хабардорлик, саводхонлик даражасини ошириш;
• ёт гуруҳлар таъсирига туган ёшларнинг худудий, демографик, статистик, ёш ва жинсий хусусиятларини, сабаб ва мотивларини ўрганиш;
• экстремистик оқимга мойиллиги бўлган ёшларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини тахлил қилиш ва уларнинг типологик тавсифномасини тузиш.

Умуман олганда, болани жисмонан ва руҳан соғлом вонга етказиш, жамият-дан муносиб ўрни эгаллашга қумқалла-ниш ота-она, психолог, педагоглар зим-масига улкан масъулият юклайди. Бу жараёнда ёшлар билан мулоқот қилиш-нинг энг оқилона ва мақбул йўллари-ни танлаш ўз самарасини беради. Психологик таъсир ўткази олиш малака ва қўнимчиси муҳтарам ота-оналар ва педагогларимизда тўғри шаклланган бўлса, ҳеч қандай бузғунчи гоьларни тарғиб этиш ва амалга ошириш имкони тўғилмайди. Бинобарин, ижтимоий-маданий ҳамда биологик омилларнинг шaxс шаклланиши ва ривожига, қадриятлар тизимига қўрсатилган таъсири-ни инобатга олган ҳолда ёшларни ёт гуруҳлар ва гоьлар таъсиридан ҳимоя-лаш масаласини ҳеч қачон назардан қочирмаслик зарур.

Умарали ҚОДИРОВ, Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, психология фанлари номзоди, доцент

Шахс патологияси ва деструктив фаолият:

ёхуд инсон миясидаги оғишлар, ёшлар руҳиятига салбий таъсир ўтказиш усуллари хусусида

ни қайта-қайта таъкидламоқда. Ўтган ҳафтада Президентимиз "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курул-тойида "Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етиш-да таянчимиз ва суянчимиздир" мавзу-сида сермазмун, чуқур танқидий-тахли-лий руҳда маъруза қилиб, кенг жамоат-чилик вакилларига ёшлар билан ишлаш-да зийраклик, гамхўрлик, эътибор зар-рурлигини уқтирди. Ўз вазифасини юза-ки ёки зўрма-зўраки адо этган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли-яти қаттиқ танқид қилиниб, мулқалоқ итти-йўналишдаги Ўзбекистон ёшлар янги-йўналишдаги асос солиниди. Президентимиз маърузасидаги ҳар бир сўз, ҳар бир маълумот, ҳар бир тақлиф асослидир. "Ҳозирги вақтда чет элда ишлаб юрган айрим ёшларнинг терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолаётгани билан боғлиқ муаммо барчамизни қийна-моқда", дея қуйиниб гапирди давлати-миз раҳбари. Чиндан ҳам бир қатор деструктив гуруҳлар дунё мамлакатлари-да фаолият юритиб, сиёсий, ижтимоий-маданий, маърифий ҳаётда бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда. Аф-суски, мамлакатимизда ҳам айрим гу-руҳлар ёшларни турли йўллар билан ўз таъсирига жалб этишга интилиб, диний, маданий, маънавий, ижтимоий ҳамда си-ёсий соҳада жамият ва давлат хавф-сизлигига жиддий тахдид солмоқда.

Инсоннинг ноҳозир фаолияти тадқиқ этилаётганда, унинг нейробиологик асосларига ҳам эътибор қаратган маъ-шуқл. Адабиётлар тахлилининг кўрсати-шича, маъкур жиҳат инсондаги нейро-динамик жараёнлар, эндокрин тизим хусусияти, шунингдек, бир қатор ирсий омиллар таъсирида рўй беради. Улар-дан айримларини тахлил қиламиз.

Лимбик тизим бошқаради

Барча фаолият турлари каби деструктив фаолиятда ҳам бош миёдаги икки марказ — лимбик тизим ва бош мия пўстлоғи (қулранг қатлам) иштирок этади. Лимбик тизим турли тузилмалардан ташкил топган бўлиб, унинг вазифаси инсон майл ва иштиёқлари, ҳиссиётла-рини юзага келтириш ҳамда бошқариш-да намоён бўлади. Бош мия пўстлоғи- (қулранг қатлам)нинг асосий функция-си эса билиш ва акс таъсир кўрсатиш билан боғлиқ когнитив жараёнини муво-фиқлаштириш ҳисобланади. Бош мия пешона қисми зарарлангани натижаси-да атроф-муҳит таъсирини кўрсатиши-

лум. Манбалардан бирида 14 ёшига қадар икки бора қотиллик қилган аме-риқалик ўсмир қизнинг хатти-ҳаракат-лари ёзилди. У арзиманган нарсага ғазабланар, дераза ойнаси, мебеллар-ни синдириб чиқар, айоханнос солиб, ён-атрофдагиларни ўзига қаратарди. Зудлик билан етиб келган полиция хо-димлари уни тинчлантиришмасса, Худо билсин, бу нима билан яқун топарди? Кейинчалик бу қиз йиғлаб асабига тек-кан ўғай сингилчасини бўғиб ўлдирди ва уйидан қочиб кетди. Кўлга олингач, пневмония(ўпка шамоллаши)дан ўлган, дея тахмин қилинган иккинчи сингилси-ни ҳам яширинча ўлдирганини психиатр-га айтди. Тиббий текширув жиноятчи ўсмирининг бош мия чека қисмида эпи-лептик зарарланиш маркази мавжудли-гини кўрсатган.

Эки Техас университети биносига милтиқ билан чиқиб олган Чарльз Уит-мен деган шaxс тап тортамаздан 41 ки-шини отган, шундан 17 нафарни ўша қа-задаёқ вафот этган. Патологанотомлар унда бош мия хавфли ўсмаси мавжуд-лигини аниқлашган. Чикагодаги талаба-лар ётоқхонасида Ричард Спек исми-ли шaxс 8 нафар тиббиёт институти тала-басини ваҳшиёна ўлдирилганига яна бир факсидир. Текширувлар унинг мияси-да жиддий салбий ўзгариш юз берган-лигини кўрсатган. Бу воқеалар ҳулоса-си шуну кўрсатадики, бош миёдаги ўзга-ришлар натижасида ўзини ўзи назорат қила олмаслиқ синдромига эга киши-лар турли ноҳозир хатти-ҳаракатлари-ни амалга оширишга мойил бўлиб, жамият учун жиддий хавф тугдиришлари мум-кин экан.

Катта-кичик типдаги жиноятларнинг юзага келишига моноаминооксидаза (МАО) оксил ферменти ҳам таъсир кўрсатади. Бу фермент асаб ҳужайра-(нейрон)лари фаолиятини тормозловчи нейромедиатор молекулаларни зарар-лаш хусусиятига эга. Меъёр даражаси-да нейромедиатор (ацетилхолин, норад-реналин, серотонин, гамма-амино ёғ қислоталар нейронга маълум вақт да-вомида таъсир кўрсатиб туради. МАО ферменти янги импульс ўтиши учун ма-кон бўлиб, худудни гўёки озода, эркин қилиб қўяди. Мияда МАОнинг меъёр да-ражасида бўлмаслиги онгинг захарла-нишини учун замин ҳозирлайди. Бу далаил бошқа тадқиқотлар натижасида ҳам ис-ботланган. Масалан, тадқиқотчи И.Квет-нойнинг ёзишича, депрессия натижаси-да ўзини ўзи ўлдирган кишилар мияси ёриб текширилганда, унда серотонин микдори бошқа шароитларда ўлган ки-

бий ҳулққа ундашини исботлаганлар. Бироқ салбий хатти-ҳаракатга мойил-лик маълум даражада ирсий шартлан-ганлигига қарамай, бу унинг авлоддан-авлодга ўтаверишини англамайди. Айни пайтда шaxс ҳаётининг издан чиқишига таъсир кўрсатадиган нейробиологик омилларнинг аҳамиятини ҳам мулқла-штириб бўлмайди. Бу баҳсли фикр бўлиб, ҳали кўплаб тахрибавий тадқи-қотлар ўтказилишини талаб этади. Чун-ки кишининг муайян хатти-ҳаракати са-бабларини фақат биологик ёки физио-логик омилларга боғлаш ҳам ўзини оқлайвермайди. Инсон тахдирини тах-лил қилиш жараёнида асосий эътибор-ни ижтимоий-маданий контекста со-дир бўладиган нейробиологик жиҳат-ларга қаратган маълум. Шундай қилиб, деструкция биологик жиҳатдан асосий, детерминантлашган омил дейишдан кўра, биологик жиҳатдан аҳамиятли де-ган фикр ҳақиқатга яқиндир.

Эҳтиёжлар назарияси

Жамият ҳаётида кузатиладиган иллат-ларнинг биологик ва нейробиологик асосларни маъжуд бўлиб, унинг психик негизларини ўрганиб чиқиш лозим. Ин-сон психикасининг биологик ва ижти-моий табиатидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, қондирилмаган эҳтиёжлар шaxс номақбул фаолиятининг психик даражадаги сабабчиси-дир. Америкалик таниқли психолог олим Абра-хам Маслоу эҳтиёжлар назариясида бу жиҳатни муқаммал асослаб берган.

А.Маслоу ўз илмий изланишларида эҳтиёжнинг энг қуйи поғонасига физио-логик ҳолат — уйқу, очлик, ташналик ва ҳоказоларни киритади. Агар улар дои-рий равишда қондириб турилса, фаол ҳулқ-атвор детерминантлари сифатида хизмат қилмай қўяди. Чунки қондирил-маган эҳтиёжларгина кишини фаол ҳара-катга ундайди. Физиологик эҳтиёжлар қондирилгандан сўнг хавфсизлик, ҳимоя-ланлишга бўлган эҳтиёж юзага чиқади. Ундан сўнг муайян ижтимоий гуруҳга мансуб бўлиш ва унда барқарор ўрин эгаллаш эҳтиёжлари ўрин эгаллайди. Кейинги эҳтиёж ўзини ўзи баҳолашнинг юқори даражасига эга бўлиш ҳамда бошқалар томонидан бурмат қилинишига эришишдир. Ва ниҳоят, барча эҳтиёж-лари қондирилишига эришган инсоннинг энг сўнгги босқичдаги талаби ўзини ўзи тақомиллаштириш, ички имкониятлар-ни юзага чиқаришга интилиш, шaxс си-

ларни биринчи ўринга қўядиган киши-ларда кузатилади, конструктив йўналиш-даги фаолиятни киришимли, хатти-ҳара-катларини умумманфаатидан келиб чи-қиб амалга оширадиган шaxслар намо-ён этадилар.

Бир-бирига ўхшаш усуллар

Жамиятдаги турли секта ёки деструктив оқим ташкилотларидан ўз ол-дига қўйган мақсад-муддаолари ҳақида сўрасангиз, қатъий фикр, дадил сўз эшити олмаслигингиз мумкин. Аммо ички дунёсида давлатнинг сиёсатини қон-сул ниёти яширин эканлигини ил-гаш эин эмас. Биз юқорида бундай кимсаларнинг ўзига хос ҳулқ-атворини имкон қадар таърифлаб бердик. Бу гу-руҳлар ўз сафларига янги аъзоларни жалб этишда қуйидаги усуллардан фой-даланиши кўпчиликка маълум бўлмаса керак:

1. Транс ҳолатини юзага келтири-диган методика ва воситаларни қўллаш. Бунга медитация, бир охангда хиргой қилиш, турли тилларда гапи-риш (глоссология, яъни яқка ёки гуруҳий жазава ҳолатида маъносиз ва бир-бирига мантйқий боғланмаган сўз, ибор-раларни талаффуз қилиш), ўзини ўзи гипноз қилиш, фикран ёрқин тисмо-лларни яратиш (визуализация), зикр ту-шиши, нафас машқларини бажариш (мия қиспород билан етарли даражада таъ-минланмаслиги сабабли унинг фаолият жараёналари ўзгаради), психикага таъ-сир қиладиган гиёҳ ва наркотик модда-ларни тутатиш сингари усуллар қиради.

2. Лингвистик манипуляция. Бу од-дий сўзга турли қўшимча маънолар юк-лаш орқали амалга оширилади. Мас-алан, айрим секталарда "билим" сўзи ме-дитацйига эришишнинг тўрт усулини бил-диради, "биродар" сўзи ҳам баъзи диний

3. Аъзонинг вақти ва фаолиятини доимий равишда назорат қилиш, яъни муस्ताқил фикрлашга имкон қол-дирмайдиган даражада муайян вақтга белгилашган вазибаларга бажарилишини қатъий кузатиб бориш (маъруза тинг-лаш, узоқ давом этадиган йиғинларда қатнашиш, турли кишилар билан суҳ-батда бўлиш, ҳар хил ўчрашувлар ўтка-зиш, спорт турлари, медитация билан шуғулланиш, диний адабиётларни му-толаа қилиш, диний расм-русумлар, ибодатларни амалга ошириш, тунларни уйқусиз ўтказиш ва ҳоказо).

Натихаси: қуйи даражадаги психо-логик ҳимоя, диққатнинг қамайганлиги, жисмоний ва руҳий толиқиш, гуруҳ фа-олиятини танқидий баҳолаш имкония-тининг пасайганлиги, кўпинча инсонни қачилтадиган ва уни қарам ҳолатда уш-лаб туришга ёрдам берадиган транс ҳолатига олиб келади. Россиялик психолог Ю.Антонян тадқи-қотлари деструктив фаолият деярли доимо узоқ вақт давом этадиган фру-страция (лот. frustratio — алдов, беҳуда кутиш, хоҳиш ва эҳтиёжларни қондириб билан боғлиқ муваффақиятсизликлар натижасида юзага келадиган психик ҳолат) ёхуд норасолик ҳисси шакллани-ши натижасида юз беришини исботла-ган. Фрустрация натижасида келиб чи-кадиган бузғунчи ҳаракатлар экстрапу-нитив характер каос этиши (ён-атроф-даги кишиларга, шу жумладан, бу ҳолат-га умуман алоқаси йўқ нотаниш одам-ларга, алоҳида нарса-бююмлар ёки иж-тимоий тузилмаларга йўналтирилиши) ёхуд интропунитив аҳамиятга эга бўли-ши (субъектнинг фрустрация сабаби ўзи эканлигини англаши ва жароҳатловчи вазиятдан алкологизм, гиёҳвандлик ёки суицид орқали чиқишга ҳаракат қили-ши) мумкин.

Рухий-маънавий саломатлик

Албатта, ўзини ўзи намоён қила ол-маган ва фрустрация ҳолатида бўлган барча одамлар ҳам деструктив харакат-ларни амалга оширавермайди. Бунда биологик омиллар билан бир қаторда турли ижтимоий омиллар, тарбия ва му-ҳитнинг шaxс шаклланишидаги ўрни, ин-соннинг турли деструктив, салбий пси-хологик-манипуляциядан таъсирга тушиши хусусиятларини ҳам инобатга олиш зар-ур. Зеро, инсон ёт гоьлар таъсирига тушгач, шу доирадаги гуруҳларга аъзо бўлиши ва номаълум ишни амалга оши-риши исботланган ҳақиқатдир.

Йўлимиз равон бўлди

Айни пайтда бутун юртимиз бўйлаб рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳар биримизнинг кўнглимизга ўзгача равшанлик бағишламоқда. Қайси бир шаҳарга, маҳалла ёки қишлоққа борманг, юртдошларимиз катта мақсадлар йўлида астойдил меҳнат қилаётганига гувоҳ бўламиз.

Қишлоғимиз йўллари анчадан бери таъмирланмаганлиги боис мактаб ўқувчилари ҳам, кексалар ҳам анчагина қийналиб қолишган эди. Маҳалламиз фаоллари Раҳмонберди Каримов ҳамда Эрматжон Аҳмаджонов маслаҳатлашиб, барчамизни ҳашарга чолади. Ёш тадбиркор Фахриддин Қосимов ва қишлоғимизнинг жонкуяр ишбилармонлари

йўлимизни равон қилиш учун етарлича маблағ ажратишди. Натижада қишлоқ болалари таълим-тарбия олаётган мактаб йўли ҳам текис ва равон бўлди. Демак, ҳар биримиз ўз муаммоларимизни бамаслаҳат ва ҳамжиҳатликда ҳал қилишга ҳаракат қилсак, мақсадимизга тезроқ эришамиз.

Бизни кувонтиргани жойлардаги маҳалла фуқаролар йи-

ғинлари фаоллари фуқароларнинг муурожаатларига анча эътибор билан муносабатда бўлаётганидир. Қандай таклиф ва шикоят билан муурожаат қилсак, албатта, уларнинг барчаси ўз вақтида ва самарали ҳал қилинмоқда. Бундай муносабат туфайли биз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни даядил айтишга ҳаракат қиляпмиз. Бугунги ўзгаришлар ва янгиланишлардан хурсандимиз.

Рўзимухаммад АБДУРАЗЗОҚОВ,
Учкўприк туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

"Қалдирғоч"нинг қувноқ болалари



Инглиз тили фани ўқитувчиси Норсулув Куншербаева бугунги тўғарақ машғулотини ноодатий ташкил этди. "Мева ва сабзавотлар" мавзусида нафақат кўрғазмали қурол ва суратлардан, балки ҳақиқий мева ва сабзавотлардан фойдаланиб кўзлаган мақсадига эришди. Машғулот охирида ўқувчилар устози кутгандек ҳар бир мева ва сабзавотнинг номини инглизча қийналмасдан айтиб беришди. Совға эса — кимгадир олма, бошқасига ўрик, яна кимгадир бир жуфт помидор.



Шайхонтоҳур туманидаги 167-мактабда ўқувчиларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун ташкил этилган "Қалдирғоч" спорт-соғломлаштириш майдончасида болажонлар ҳар куни ана шундай қизиқарли машғулотлар билан банд. Айниқса, майдончадаги "Summer Holiday" тўғараги болаларнинг жону дили. Бу тўғарақни мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Норсулув Куншербаева бошқаради. Қизиқарли ўйинлар асосида ўтадиган тўғараққа қатнашни истовчилар кўп.

Майдончада, шунингдек, тўқиш, моҳир кўллар, ёш китобхон, шахмат, шашка, ёш қаламкаш ва бадий гимнастика тўғарақлари ҳам фаолият юритмоқда. Ўқувчилар ўз қизиқиши ва иқтидорига қараб уларга қатнашиб, билим ва маҳоратини оширади. "Қалдирғоч"да фарзандларининг ёзги таътили мазмунли ва қувноқ ўтаётганидан ота-оналар ҳам мамнун.

Шаҳноза АҲМАДАЛИЕВА,
Учтепа туманидаги 197-мактаб ўқитувчиси

Коррупция — миллий хавфсизликка таҳдид

Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида "Коррупция — миллий хавфсизликка таҳдид" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика Бош прокуратурасининг олий ўқув курси мутахассислари, Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бош бошқармаси, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази мутасадди ходимлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 3 январда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра Ички ишлар вазирлиги ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича бевосита фа-

олиятни амалга оширувчи давлат органлари сирасига киради.

Доимий ва ўзгарувчан шахсий таркибнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишга қаратилган давра суҳбатиде сўзга чиққанлар ички ишлар органларининг бу борадаги вазифалари ҳамда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритишди. Қонунга амал қилиш, адолатпарварлик, масъулиятни ҳис қилиш, ўз вазифасига виждонан ёндашиш ҳар бир давлат хизматчисининг бурчи экани, шу боис давлат хизматчиси ҳалол ва ҳақиқатпарвар, халқ учун қайғурдиган бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Тадбир сўнгида мавзу юзасидан берилган саволларга соҳа мутахассислари атрофлича жавоб берди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Иншолар танлови ўтказилди

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицейда тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналар ўртасида "Олижаноблик нима?" мавзусида иншолар танлови ўтказилди.

Танловда жами 728 нафар ўқувчи иштирок этди ва уларнинг энг саралари танлаб олинди, голиблар ўқув йили якунида ўтказилган тантанали тадбирда тақдирланди.

Ўқувчилар орасида 1-ўринни эгаллаган Дилдора Расуллова ноутбук, 2-ўрин соҳиби Са-

доқат Ниғматова планшет, 3-ўрин соҳиби Диана Утешева мобил телефон билан тақдирланди.

Шунингдек, педагог ва ота-оналар ўртасида ўтказилган танловда голиб бўлганларга ҳам китоблар совға қилинди.

Бундай маънавий-маърифий тадбирлар ўсиб келаётган ёшларимизнинг юксак маънавиятли инсон бўлиб шаклланиши, адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширишга йўл очади.

Гўзал ЙЎЛДОШЕВА,
ЎзДЖТУ қошидаги 2-академик лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Китобсевар "сўз санъаткорлари"

Уртимизнинг куч ва ғайратга тўла ёшлик йилларидан унумли фойдаланиш, уни беҳуда сарфламасдан спорт билан шуғулланиб, саломатлиқни мустаҳкамлаш, илм-фан янгилликларини ўзлаштириш, қисқаси, "йигитликда йиғ илмнинг маҳзани" деган пурмаёно ҳикматга амал қилиш лозим.

Шу маънода, яхши китоб мутолааси билан шуғулланиш ҳам жуда фойдали эканини таъкидламоқчимиз. Ўзим таҳсил олаётган Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежида изланувчан тенгдошларим учун барча қулайликлар муҳайё. Истеъдодли ва ташаббускор ўқувчиларни Ёшлар иттифоқининг бош-

ланғич ташкилоти бирлаштириб, ҳаммиса янги гоёларга руҳлантиради.

Болалигимдан китоб ўқишга меҳр қўйганман. Нутқи равон инсонларга ҳавас қиламан. Билсам, бу санъатни эгаллашда китобсеварликнинг ўрни бекиёс экан. Чунки мутолаа сўз бойлигимизни ошириб, фикримизни чиройли ва

аниқ баён этишда қўл келади.

Дарвоқе, шу пайтгача кўплаб танловларда қатнашганман. Аммо улар орасида нутқни ривожлантирадиган, китобхонликни тарғиб этадигани жуда кам. Шунинг учун ўзим янги "Сўз санъаткорлари" кўрик-танлови лойиҳасини ишлаб чиқдим. Тўрт шартдан иборат баҳсда иштирокчиларнинг нафақат саҳна маданияти, балки қай даражада китобхон экани ҳам синовдан ўтказилади.

Ушбу камтарона лойиҳамни дастлаб коллежимиз

ўқувчилари орасида синаб кўрдик. Натижа яхши бўлди ва кейинроқ уни туман миқёсида ўтказдик. Унда 4 та касб-хунар коллежининг истеъдодли, сўзга уста ёшлари қатнашди.

— Китоб ўқиган инсоннинг дунёқараши, атрофида ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгаради, — деди Паркент агросаноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулмира Рустамова. — Шунингдек, мутолаа сўзамоллик, ҳозиржавоблик хусусиятларини ҳам ривожлантиради. Айниқса,

фикрларни чиройли ва равон етказиш сифати ошади. Суҳандонликка жуда қизиқаман. Бу борада "Сўз санъаткорлари" танлови мен учун ҳам айни муддао бўляпти.

Ҳа, ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш баробарида, эркин фикр билдириш, саҳнада ўзини тутиш кўникмасини ҳам шакллантиришга кўмаклашувчи тадбирлар ортса, нур устига нурдир.

Рисолат МАХСУМОВА,
Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси

2017-yil 5-iyul, № 53 (9014)

Момонинг ажойиб одати бор эди — чой қайнатиладиган ёки оқватка солинадиган сувни обдон тиндириб қўяр, қават-қават докадан ўтказиб, сўнг ишлатарди. Бувимнинг бу одати менга қизиқ туюлар, хайратларимга жавобан у чойгум тагидаги қат-қат қуйқумларни кўрсатаркан: “Болам, фалончининг буйрагида туз, ўт қопида тош пайдо бўлибди, фалончининг тиззалари тинимсиз оғрирмиш, деган гапларни эшитганмисан? Бу дардларни келтириб чиқарувчи мана бу — сув ичидаги сен билан менга кўринмайдиган қуйқумлар. Мен буларни сенга билганимча тушунтирайман. Мактабда яхши ўқисанг, ўзинг гапимнинг маъзини чақиқ олсан”, деб изоҳ беради.

Йигирма тўққиз ёшида “Поливинилхлорид асосида азот ва фосфор тутган ионидлар олиниши ва физик-кимёвий хоссалари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган ёш олим, Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети “Полимерлар кимёси” кафедраси ўқитувчиси Давронбек Бекжонов билан тадқиқотининг илмий-амалий аҳамияти хусусида суҳбатлашар эканмиз, момон билан боғлиқ хотиралар кўз олдимга келди. Гурунг асосида кимё фанининг тараққиёти соғлом турмуш тарзи, иқтисодиёт раванқи, фаровон ва тўқис ҳаёт асосларидан бири эканига амин бўлдим.

Оқова сувларни тузсизлантириш саноят ривожини таъминлайди

Иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, кимё, енгил саноят, қурилиш ва энергетиканинг ривожланиши айна пайтда турли экологик муаммолар ва иқлим ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Шу боис бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Жумладан, табиий сувларни саноят микёсида тузсизлантириш, технологик эритмалардан қимматбахо ва рангли металлларни ажратиш олиш, оқова сувларни замонавий ион алмаштириш технологияларини қўллаган ҳолда захарли компонентлардан тозалаш каби муаммолар изчил илмий изланишлар олиб боришни талаб этаётди.

Юртимизда саноят тармоқларини ривожлантиришга қаратиладиган юксак эътибор туфайли гигант корхоналар кўпаймоқда. Замонавий талабларга жавоб берадиган, чиқиндисиз технологияли, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологияларни ўзида мужассам этган маҳаллий хомашёлардан полимер ишлаб чиқарувчи “Шўртангазим”

ва “Устюртгазим” мажмуалари, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида 2017 йили ишга туширилиши режалаштириладиган, Марказий Осиёда ягона, йилига 100 минг тонна поливинилхлорид (ПВХ) ишлаб чиқариш қувватига эга йирик

Ёш олимнинг тадқиқоти

иқтисодий фойда келтириб, экологик муаммолар ечимига хизмат қилади

корхоналар фаолияти йўлга қўйилаётгани фикримиз далилдир. Бу каби янгиланишлар, ўз навбатида, кимё саноятини диверсификация қилиш, яъни полимерларни турли усуллар билан модификациялаб, комплекс хосса материаллар олиш тармоқларини кенгайтириш имконини яратди.

— Изланишларимиз университет илмий тадқиқот ишлари режасининг “Анионид олиш технологиясини ўзлаштириш”, “Маҳаллий сорбентлар ёрдамида мис ионларини оқова сувлардан ажратиш олиш технологияси”, “Поливинилхлорид асосида анионид олиш”, “Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати технологик эритмаси таркибидаги индий ионларини маҳаллий хомашёлардан олинган ион алмаштирувчи материаллар ёрдамида ажратиш технологиясини ишлаб чиқиш” лойиҳалари доирасида амалга оширилди, — дейди Давронбек Бекжонов. — Юртимиз аҳолиси асосан дарё сувини истеъмол қилади. Айна пайтда иситиш тизимлари, саноят корхоналарида зарарсизлантирилган сувдан фойдаланилмас экан, иш унумдорлиги, маҳсулот сифати, тизимнинг ишлаш муддати ошмайди. Энергия тежамкорлигига ҳам путур етди. Ҳозиргача юртимизда шу вазифани бажарувчи, яъни сувни тузлардан тозалашга хизмат қилувчи ионидларни ишлаб чиқаришнинг муқобил усул ва технологиялари мавжуд бўлмагани боис зарур маҳсулот ҳориждан келтирилган. Тадқиқотларимиз давомида ма-

ҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош индий ионларини олиш учун қатор изланишлар олиб борилди. Жумладан, поливинилхлорид асосида олинган мунчоқсимон анионид “Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятининг сувни дастлабки тозалаш цехида ўрнатилган тажриба-синов ускунасида синтез қилинди. Натижада табиий сувлар юқори даражада тузсизлантирилгани кузатилди. Шу тарзда олинган аниониднинг четдан келтириладиган анионидга нисбатан хоссалари юқорилиги, узоқ муддат ишлаш хусусиятига эгаллиги алоҳида эътироф этилиб, уни амалга оширишга эътибори шу учун Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг 42-баённо-

лослантирувчи термик барқарор тузларнинг концентрациясини камайтириш борасидаги изланишлари ҳам соҳадаги долзарб муаммолар ечимига хизмат қилди. Тадқиқот натижасида анионидлар ёрдамида метилдиэтанолламинни термик барқарор тузлардан тозалаш туфайли йилига 10 миллион сўм қўшимча фойда кўришга эришилди. — Ҳаводан азот олишдан олдин аммиак синтез қилинади, — дейди Давронбек Бекжонов. — Бизга кераклиси — аммиак, бироқ унинг атрофида бошқа газлар ҳам бўлиб, у шу газлардан тозаланмас, олинган маҳсулот сифатига путур етди. Тажрибаларимиз давомида истеъмолга яроқ-



Izlanish va samara

синтез қилиш орқали яна кўплаб иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Мени олим қилган — муаллимларим

Баъзилар “Кимё — мураккаб фан, уни тушуниш қийин”, деб ҳисоблайди. Таълим муассасаларида айнан ана шу фаннинг ўзлаштирилиши таҳлил этилганда ҳам ўқувчиларнинг кимё фанига қизиқиши бироз суст эканини кузатиш мумкин. Ёш олим бу фикрларни тасдиқлаган ҳолда кимё соҳасида эришган муваффақиятларини ўзи тахсил олган Боғот туманидаги 6-мактабда яратилган шарт-шароитлар самараси деб билади. Ҳозир ҳам билим маканида ёш авлодга кимёдан сабоқ бераётган Жумазар Бекжонов фарзандида шу фанга қизиқиш уйғотиш учун ҳам ота, ҳам педагог бўлиб жон куйдирди. Кези келганда ўғлига қўшилиб ўқиди. Ҳаётнинг ўзи каттақон кимёвий лаборатория эканини оддий, кундалик ҳаётий мисоллар билан дилбандининг шуурига сингирди. Фақат Давронбек эмас, Жумазар ака дарб берадиган барча синф ўқувчилари кимё олами сирларини ҳаётий мисоллар орқали теран англаган.

— Бугун ўзим ҳам талабаларга дарс бераман. Уларни кузатиб, фанни ўқитиш борасида қилинадиган ишлар хали кўп эканини сезиш мумкин. Аввало, кимёнинг ҳаётимиздаги ўрнини мактаб партасида ноқ ўқувчиларга жонли мисоллар билан тушунтириш керак, — дейди ёш олим. — Мени қишлоқдаги оддий муаллимларим олим қилди. Улар тўғрақ ва синфдан ташқари машғулотлар ўтказиш, фан олимпиадаларига тайёрлаш, билимлардаги бўшиқларни тўлдирish учун дарслик ва қўшимча манбалар билан ишлашдан, изланишдан сира эринишмасди. Масаланинг мазмун-моҳиятига етганимизга тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунларича саволларимизга жавоб бериш, тушунтиришдан оғринишмасди. Нигоҳимиз тушган ҳар нуқта, қўл урган ишларимиз, хуллас, кимё теваар-атрофимизни ўраб туришини ўша кезлардаёқ идрок этганмиз. Билимларимиздаги бу мустаҳкам пойдевор, меҳнат, синчковлик, зийраклик, биз учун энг бебаҳо тўхфа эканини ҳис этганимиз сари мураббийларимизга эҳти-

розимиз ортаверади.

Тадқиқот самараси ва истиқболи

Ёш олимнинг “Фаргона-азот” акциядорлик жамиятида анионидлар иштирокида конвертор газларни тозалашда ишлатилувчи метилдиэтанолламинини иф-

сиз ҳолга келган газларни ионидлар ёрдамида қайта ишчи ҳолатига келтиришга эришилди. “Навоийазот” акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, унинг кимёвий таркибини ўзгартириб, сувни тозалаш хусусиятига эга филтёрлар олишни режалаштирганмиз. Бу борада тажриба-синов ишлари ўтказилиб, илмий жиҳатдан асосланган. Ниятимиз амалга охша, мамлакатимиз иқтисодиётига катта фойда келтирувчи, импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар олинишига замин яратилади.

Илм шундай нурки, ўқиб, уқиб, изидан қолмаганинг сари ўз сирларини очиш билан бирга, билмаганларинг билганларингдан кўпроқ эканини аниқлатади. Янада интилишга чорлайди. — Ҳозиргача бир йўналишда, яъни ионидлар синтези ва улар асосида оқова сувларни тозалаш муаммолари ечимини топишга ҳаракат қилдик. Бу уринишларимиз мамлакатимиздаги мавжуд оҳақтош, олтин-гургурт, поливинилхлорид асосида бошқа турга эга, ўзгача хоссаларини намоён этувчи ионидлар олиш жараёнини тадқиқ этиш зарурати борлигини кўрсатди. Юртимизнинг муайян ҳудудларида нефть-газ маҳсулотларини қазиб олиш жараёнида кўп миқдорда ажратилган оҳақтош, сўндирилган оҳақ, олтин-гургурт захиралари уйилиб ётибди. Уларнинг бундай туриши экологияни зарарлаш табиий. Шу боис табиатнинг бу инъомларини поливинилхлорид асосида

Ойбуви ОЧИЛОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Исми жисмига муносиб йигит

ижодкорлик ва изланишни ҳаётининг мазмуни деб билади

Жавоҳир Иззатуллаев 23 ёшида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети имтиёзли диплом билан тамомлади. Иқтидорли йигитнинг "Япон тилига инглиз тилидан кириб келган сўзлар ва инглизларга япон тилини ўқитишда бу сўзларнинг самарадорлиги" мавзусидаги тадқиқот иши юқори баҳоланди. Таъкидлаш жоизки, у ўз она тилидан ташқари инглиз, япон, корейс ҳамда рус тилларида эркин сўзлаша олади.



Kamolot sari

Жавоҳир айна пайтда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳридаги Донг-А университетидида "Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш менежменти" йўналишида грант асосида магистрлик даражасини олиш учун таълим олмоқда.

Жавоҳир Иззатуллаев асли Янгйўрғон туманининг Нанай кишлоғидан. Унинг болалиги салобатли ва пурвиқор тоғлар билан ўралган, боғ-роғлар, гулзорлар бағрида жойлашган гўзал гўшада ўтди. Наманган шаҳридаги махсус боғча-гимназияда таълим-тарбия олди. Бошланғич таълимни тамомлагач, шаҳардаги 48-мактабда ўқиди.

Наманган шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини муваффақиятли якунлаб, 2011 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетида ўқишга кирди. Кўшимча тарзда факультет қошидаги интерфаол услубда таълим берувчи инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш институтига (IELTS) имтиҳон топшириб, тўрт босқич натижаларига кўра, ўқув даргоҳига қабул қилинди.

Университетдаги тўрт йиллик таълим жараёнида инглиз тилини мукаммал ўрганиш билан бирга, иккинчи тил сифатида япон тилини ҳам чуқур ўрганишга интилди. Ўзбекистон — Япония марказининг япон тили курсларида ўқиб, уни муваффақият билан якунлади.

Таълим жараёнида ҳам, университетнинг ижтимоий ҳаётида ҳам ўзининг фаоллиги билан ажралиб турди. Талабалик даврида республика ва халқаро миқёсдаги конференциялар, тренинглар ва бошқа турли тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланди. Жумладан, ўзи тахсил олган университет томонидан ташкил этилган инглиз тили бўйича нутқ санъати мусобақасида бош ташкилотчи, талабалар учун IELTS курсларида тренер, талабалар ассоциацияси томонидан ташкил этилган "Иқтидорли талабалар куни" конференциясида бош ташкилотчи, 2016 йили 20—24 май кунлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммитида таржимон сифатида иштирок этди.

Бундан ташқари, Жавоҳир Иззатуллаев нуфузли халқаро таълим грантлари фолиби сифатида қатор хорижий давлатларда тахсил олиб, малака оширди. Жумладан, 2014 йили Россия Президенти Академияси қошидаги Ижтимоий ва иқтисодий фанлар Москва олий мактаби Бутунжаҳон лидерлар тайёрлаш саммитида, DAAD ва Гумбольдт номидаги Берлин университети гранти асосида Германия таълим алмашинуви хизмати ёзги мактабиди, Япония ҳукумати гранти асосида Ҳоккайдо шаҳрида Асахиқаво фаровонлик мактабиди тахсил олди. Хуллас, хозирга қадар қирқдан ортиқ маҳаллий ва халқаро анжуманларда иштирок этди.

Нуруллоҳ ЗАЙНИДДИНОВ

Ўша машҳур "Буратино" фильмини кўрмаган киши бўлмаса керак. Фильмда уста бир бўлак гўлага ишлов бериб, жон бағишлайди. Кинода бу каби лавҳаларнинг учраши табиий, дерсиз. Аммо ёғочдан ишланган шундай санъат намуналари борки, кўриб, худди жонли дейсиз. Қайси қўли гул инсоннинг иши бу, деган ўй бештиёр ҳаёлингиздан ўтади. Бугунги суҳбатдошимиз ёш бўлишига қарамай, ёғоч билан тиллашадиган, эҳтимолки, сирлашадиган уста-хунармандлардан.

Учтепа тумани миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи. Учтинчи қават. Ёғоч ўймакорлиги хонаси. Дарслар тугаганига қарамай, хунар эгаллашга бел боғлаган ўқувчилар ҳамон амалиёт жараёнида. Фикру ўйи — соат сайин чирой очаетган ёғочда. Уларнинг ишини кузатиб, нималариндир ўқтираётган, гоҳ "балли" дегандай шогирдлари елкасига оҳиста уриб кўяётган ёш хунарманд Абдулла Эргашев билан суҳбатимиз қизғин кечди.

Ўргатиш — икки карра ўрганиш демак

— Устоздан мақтов эшитишнинг ҳам, аксинча, бироз танбехнинг ҳам ўз гаши бор...

— Сабоқларни намунали ўзлаштираётган шогирдини устоз янада руҳлантиришга уринади. Бир оғиз мақтов ҳам унга куч бағишлайди, ғайратига ғайрат кўшади. Ўзига ишончи ортиб, юксак чўққилар сари одимлашда давом этади. Бироз ўйинқароклиги ёки эътиборсизлиги сабаб танбех эшитса, бу ҳол қайта такрорланмаслиги учун астойдил ҳаракат қилади. Муҳими, мақтовдан ҳам, танбехдан ҳам тўғри хулоса чиқариш зарур.

— Сизни шундай хулосага ундаган инсон ким?

— 7-синфда ўқирдим. Шайхонтохур туманидаги 254-мактабда. Гарчи расм чизишга қизиқсам-да, рассомлик ҳақида ўйламасдим. Чизгиларимни ҳаётга "кўчиргим" келарди. Бир гал дадам хунарманд Абдулла Исроиловнинг ёнига олиб борди. Ёғочга нақш солиб, сўнг уни худди ўзидек ўйиши мени ўзига жалб этди. Бу соҳага қизиқишим ошди. Шу-шу, уста хунармандга шогирд тушдим. Кейин билсам, дадам ҳам шуни — ота-боболардан мерос хунар эгаси бўлишимни истаган экан. Илк сабоқларни ола бошладим. Дастлаб гул шаклида нақшлар чиздим, то ишларим айна ўзидек чикмагунча. Шунда ҳам, чизганларим маромига етгандай кўринарди. Устоз уларнинг камчиликларини кўрсатиб, қайта чизишга ундарди. Очиғи, "Устоз менга ишонч билдирмаяпти" деган ўй ҳам ҳаёлимдан ўтган. Негадир янада кўпроқ ишонини истардим. Хатоларимни такрорлаб, танбех эшитган пайтларим кўп бўлган. Ёғоч ўймакорлигида дастлабки сабоқларнинг нақш чизишдан бошланганида ҳам ҳикмат бордек, назаримда. Бу вақт ораллигида фақат нақш чизишга эмас, сабр-тоқатга ўрганади киши. Сўнг... чизган нақшларимни ўйишга киришдим. Устозим кўмағида бироз катта ишларга ҳам бел боғладим.

— Шу тариқа устозингизнинг сизга ишончи ортди...

— Менимча, устозим мақтовдан кўп ҳам талтайиб кетмаслигимни истаган. Буни ўзидан эшитмаган бўлсам-да, англадим. Кейин пойтахтимиздаги "Новза" масжидининг катта дарвозаси ҳамда ичкаридаги минбар ёғочларига ишлов беришда қатнашиб, тажриба орт-



тирдим. Мактабда "аъло"га ўқишдан ташқари, касб-хунар сирларини ўрганаётганимдан муаллимларим ҳам мамнун эди.

— Мактабни тамомлаганингиздан сўнг...

Шу коллежда ўқий бошладим. Уч йил давомида ҳам назарий, ҳам амалий билим-тажрибамни оширдим. Устоз Туроб Тўраевдан ёғоч ўймакорлиги бўйича билмаганларимни ўргандим. У кишининг дарс ўтиш услуби ўзгача эди. Бу борада устоздан астойдил сабоқ олганман. Ушандаёқ ният қилгандим: "Мен ҳам билганларимни бошқаларга ўргатаман!". Ниятимга етдим. Шундай бўлса-да, ўзим ҳам ўрганишдан тўхтаганим йўқ.

— Ўргатиш — икки карра ўрганиш, деб шуни айтсалар керак-да!

— Доно нақл. Хозир йигирмадан ортиқ ўқувчим бор. Ҳар бири билан алоҳида шуғулланишга интиламан, ўз устидан тинимсиз ишлашга ундайман. Айниса, нақш чизиш маҳоратини оширишга доир кўп топшириқлар бераман. Сабаби, ўймакорликда ёғочга нақш солиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сидқидилдан киришган одам ёғоч ўйишни қисқа мuddатда ўрганиши мумкин. Устанинг нақш чизишда оқсаши эса — энг катта камчилиги. Шу боис вазифаларнинг бажарилишини алоҳида назорат қилиб бораман. Уларнинг хунар эгаллашга қизиқиши мени қувонтиради.

Суҳбатимизга хунарманд шогирдларининг "тақ-туқ"и сингил кетаётгандек, ўзгача руҳ бағишлаётгандек эди. Дарахт танасидан озуқа излаётиб, қизиштиш шундай овоз чиқарарди. Бу икки овоз ўртасида қандайдир ўхшашлик бордек. Қушнинг "тақ-туқ"и — унинг емағи. Хунарманд ҳам ўз "тақ-туқ"и ортидан рўзгор теб-ратади. Фарқи шундаки, ёғочни санъат асарига ўғиради уста. Абдулла ана шундай ижод намуналари билан таништириш мақсадида кўшни хонага йўл бошлади.

Ёш хунарманд турли кўргазма ва танловларда қўлга киритган махсус сертификат, дипломлар хона деворида осилди. Ҳар бирини дафтаримга қайд этилган: "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" шиори ос-

тида ўтказилган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасида... Халқаро туризм кўргазмасида... "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг шаҳар босқичида фаол иштироки учун...

Хона тўридаги столда эса ўймакорнинг асбоб-ускуналари, бетакрор нақшлар билан жилланган ёғоч буюмлар. Улар устаси қўлида шундай маҳорат билан сайкал тогганки, ёғоч азалдан ана шу гўзаллиқни ўз бағрида яшириб келгандек. Биридаги нақш иккинчисиди такрорлан-



маган. Ҳайратимни яширолмай, хунармандга юзландим.

— Ҳар бир ижод намунасида янги нақшлар...

— Ёғоч ўймакорлигида бу жуда муҳим. Ҳар бир уста бунга алоҳида эътибор қаратади. Ёғоч ўймақори фақат нақш солиб, ўювчи эмас, балки чинакам ижодкор ҳамдир. Бир-бирига ўхшамаган нақшнинг композициялар яратиш — устанинг тажрибаси ошаётганидан дарак беради.

Буюмлар орасидан мўъжаз бир қутичани қўлимга олдим. Чиндан, ундаги нақшлар ёнидаги бошқа буюмларга ҳам, ҳали тамом якунига етмаган шахмат тахтасининг гир атрофидаги нақшларга ҳам ўхшамайди. Ёғочни ҳам пишиқ, кўриниб турибди.

— Бу қайси дарахтдан?!

Абдулла қутичага кўз ташлагач: — Ёнғоқдан, — деди. — Буни тайёрлашдан аввал кесилганига тўрт-беш йил тўлган ёғоч танлаб олинади. Чизиш ҳолатига келтирилгач, энг мураккаб ва мароқли жараён бошланади. Унга устанинг ижодий қобилияти ва тасаввуридан келиб чиқиб, нақш солинади. Сўнгра ўйиш...

— Яна қандай дарахт ёғочларидан фойдаланасиз?

— Ёнғоқ, сосна, дуб, қайрағоч, қизил ёғоч, чинор... Улар орасидан, айниса, ёнғоққа ишлов беришни жуда ёқтираман.

— Нера?

— Чунки у мустаҳкам, толалари текис; чизиш, ўйиш учун ҳам жуда қулай. Яна...

Абдулла ёғочнинг хусусиятлари ҳақида гапирга кетди. Уни тинглаётиб, бундан бир неча йил аввал отам билан ҳовлимиз этагига ўтказган ниҳоллар кўз олдимга келди. Улар орасида ёнғоқ ҳам бор эди. Ушанда отам шундай деганди: "Ёнғоқни кўп истеъмол қилган киши хотирасидан нолимайди". Ҳаёлан ўша кунга қайтар эканман, отамнинг сўзига қўшиб қўйгим келди: "Нафақат хотирасидан нолимайди, балки ёнғоқ ёғочидан санъат яратса бўларкан... Абдулла айтди".

ЎзДЖТУ талабаси Сардор МУСТАФОЕВ суҳбатлашди.

ДИНОЗАВРЛАР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Британиялик олимлар Ерда динозаврлар тарқалишига асос бўлган сабабларни тахлил қилди. Тадқиқот натижалари Оксфорд университети олимлари берган қисқача маълумотлар асосида "Proceedings of the National Academy of Sciences" ж у р н а л и д а эълон қилинди.



Динозаврларнинг тарқалиши тахминан 201,5 миллион йил муқаддам атмосферага тушган катта миқдордаги углекислота газ натижасида ҳосил бўлган вулқон билан боғланмоқда. Табиий офат 200 минг йил давом этган. Динозаврлар экологик ҳодиса содир бўлган ҳудудда пайдо бўлган ўтлар билан озикланган ва кўпайган.

Марказий-атлантика магматик провинцияларидаги олтита ҳудуддан олинган қадимги вулқон намуналарини тахлил қилган олимлар юқоридагига ўхшаш ҳулосага келди. Маълум бўлишича, Юра даврига оид намуналарнинг бештаси таркибида симоб миқдори меъёридан ортқ экани аниқланган.

Демак, вулқонлар натижасида атмосферага тушган газлар ҳайвон ва ўсимликларнинг қадимий турлари йўқолиб кетишига таъсир кўрсатиш билан бирга, янги турларнинг пайдо бўлишига ҳам хавф солган.

ФИРЪАВНЛАР ҲУКМРОНЛИГИГА ОИД ИЕРОГЛИФ

АҚШдаги Йель университети ҳамда Брюсселдаги Қироллик санъат ва тарих музейининг бир гуруҳ археологлари тошга ўйиб ёзилган энг қадимги иероглифларни топишга муваффақ бўлди. "Phys.org" сайтининг хабар беришича, қадимги Мисрнинг Ал-Каб шаҳарчасидан топилган эски ёзувларнинг ёши 5 минг йилдан зиёд.



Миср тамаддунига оид монументал иероглифлар ибодатхона деворлари, жамоат жойлари, илоҳлар ҳайкали ҳамда даҳмаларга ўйиб ёзилган. Йиррик ҳажм ва кўп деталлилик каби жиҳатлар бу расмларнинг асосий белгиси. Кейинроқ — ёзув ихтиро қилинган, мисрликлар чизикли иероглифлардан фойдаланган.

Топилган белгилар орасида айримларининг баландлиги ҳатто ярим метргача боради. Олимлар аввалроқ аниқлаган шакллар ичида бундай кўринишдагиси бўлмаган, уларнинг аксарияти Шунингдек, археологлар қояга чизилган расмлар ва фил суратларини ҳам топишди. Мутахассислар бу иероглифлар фиръавнлар ҳукмронлиги рамзи саналганини таъкидламоқда.

Географик жиҳатдан кенг тарқалган қадимий иероглифи номалар олимлар тахмин қилгандан кўра хилма-хил бўлиши мумкин.



ЎЧИРИЛГАН СМАРТФОН ҲАМ ХАВФЛИМИ?

АҚШнинг Техас университети олимлари смартфоннинг, ҳатто ўчирилган вақтда ҳам бартараф этилмайдиган янги хавфини аниқлади. "Journal of the Association for Consumer Research" нашрида берилган тадқиқотнинг қисқача мазмуни "Medical Xpress"да босилди.

Мутахассислар смартфон инсон хаёлини



чалғитиш билан бирга, унинг когнитив қобилиятини пасайтиради, деган фикрда. Қизиғи, смартфоннинг бундай таъсири гаджет ўчирилган вақтда ҳам ўз кучида қолади. Бир неча кўнгилчилар иштирокида ўтказилган кузатувлар натижаси ҳам буни тасдиқлади. Яққол натижалар тажриба жараёнида смартфон бошқа хоналарга қўйилган вақтда қайд этилди.

Тадқиқотни ўтказган мутахассислар инсон ақлий қобилияти смартфон назорати остида қолиб кетишини кўрсатмоқда. Буни қабанги, иштирокчилар гаджетга умуман чалғимаган, яъни ўз эътибори ва қувватини телефон титишга сарфламаган пайтда белгиланган топшириқларни аъло даражада бажаргани кузатилди.

НОХУШ ХОТИРАЛАРНИ УНУТИШ МУМКИН

АҚШнинг Колумбия ва Канаданинг Макгилла университети нейробиологлари жароҳатлар оқибатида пайдо бўлган стрессли ҳолатларни даволаш усулини топди. Олимлар нохуш хотира ўзига хос нейрон жараёнлар натижасида шаклланиши, демак, уларга таъсир кўрсатиб, беморларнинг доимий хавотирдан халос бўлишига эришиш мумкинлигига ишонади.

"ScienceAlert" нашрида келтирилишича, кўпинча аввал содир бўлган ёмон воқеалар билан боғлиқ бирор нарсени тўсатдан кўриб қолсак, фожиа изтироблари қайталангандек бўлади. Масалан, қоронғи, тор кўчада ўғри тунаб кетган киши ҳар сафар шундай кўчадан ўтганида, кўрқув ва ваҳимга тушади. Олимлар ана шундай ваҳимали хотираларни миядан ўчириш йўлини топди.

Аввалги илмий иш натижаларига таянган мутахассислар миёда пайдо бўладиган стимул ҳолати асаб ҳужайраларидаги ўзгаришларни бир-биридан фарқлолмасликка олиб келишини таъкидлади.

Нейробиологлар тадқиқот объекти сифатида ҳайвон модели, яъни алпизия — денгиз моллюскасини танлади. Олимлар тадқиқот жараёнида жонивордаги ҳаракат нейронлари билан боғлиқ ҳолда кучли ва заиф хотиранинг шаклланишида иштирок этадиган иккита ҳар хил сенсорли нейронларнинг ривожланишини тезлаштириб кўрди. Шунингдек, трансфералар синфига кирувчи классик ферментлар йўлини тўсиш орқали заиф хотиранинг шаклланишига тўсқинлик қилинди.

Олимлар ўз ҳулосаларида умуртқалилар, жумладан, инсон механизмлари бир-бирига ўхшаш эканини таъкидлаб, такрорий ваҳимани юзага келтирадиган триггерлар ҳаракатига чек қўядиган дори воситаларини ишлаб чиқариш мумкинлигига ишонч билдирдилар.

Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.

Огоҳ бўлинг, фирибгарга алданиб қолманг!

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш, етказилган зиёни бартараф этиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ички ишлар идораларининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Бу эса терговчилар, жиноят-қидирув бўлиmlаларининг тезкор вакиллари, профилактика инспекторларининг ҳамкорликда фаолият юритишини тақозо этади.

2015-2016 йилларда содир этилган фирибгарлик юзасидан келиб тушган аризалар тахлили асосан қарз олдиберди муносабатлари, автосалондан навбатсиз автомашина олиб бериш, олий таълим муассасаларига ўқишга кириштиб қўйиш, пластик карточкадаги пулларни нақдлаштириб бериш, хорижий давлатларга ишга юбориш, уй-жой олдиотдиси, ҳада, мерос ва бошқа битимлар билан боғлиқ ишлар, паспорт бўлимларидан чет элга чиқиш учун рухсатнома (виза) олиб бериш кабиларга алдов йўли билан ишонтириш, турли давлат идораларида хизмат кўрсатишини айтиб, сохта ҳужжатлардан фойдаланиш эвазига моддий қимматликларга эга

бўлиш шаклларида рўй берганини кўрсатди.

Қизиғи, фирибгарлар ўзига тегишли телефон рақамларини бериб, ҳатто ўз номига расмийлаштирилган автотранспорт воситасини кўрсатган ҳолда фуқароларнинг ишончига қиради. Мисоллардан кўриниб турибдики, жиноятчилар қабул мақсадига эришиш учун чуқур ўйланган, пухта режага эга бўлиб, "нишон"идаги кишининг турмуш тарзи, хизмат фаолияти билан яқиндан танишиб, олдиндан тайёргарлик кўради.

Фирибгарлик жиноятдан жабр кўрганлар характерида ишонувчанлик, қонунни яхши билмаслик ва энг асосийси, ўз мақсадларига ноқонуний йўллар билан тезроқ эришиш

хожиши борлиги англашилади. Шу боис улар қаллоблар таъсирига осонгина тушади. Оқибатда алданиб қолганини кеч англайди. Афсуски, аксарият ҳолларда жабрланувчилар бир неча маротаба фирибгарга кўнғироқ қилиб, уй ёки иш жойига бориб, қидириб тополмагач, берган моддий маблағини қайтариб ололмаслигини тушуниб етгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади.

Бундай фирибгарлик жиноятларини фож этиш эса айрим қийинчиликлар туғдиради. Шу боис мамлакатимиз ривожини йўлида ҳалол меҳнат қилиб жамғарган мол-мулкнингизни фирибгарларга бериб юборманг. Огоҳ бўлинг, пул ва бошқа қимматли буюмлар эвазига тақлиф этилаётган ноқонуний "имтиёз"ларга йўқ, деб жавоб беринг. Шунда ўз мол-мулкнингизни асрайсиз.

Жаҳонгир ЭРКИНОВ,
Ички ишлар вазирлиги академияси
4-курс тингловчиси

Ёзги таътилда аксарият болалар кўп вақтини уйда ўтказишади. Табиийки, ўйинқароқ ўғил-қизларни ота-оналар ҳар доим ҳам назорат қила олмайдилар. Натижада болажонлар шўхлик қилиб, газ, электр ускунаси ёки фузурт билан ўйнаб, оқибатини ўзи англаб етмаган ҳолда бирор фалокатни бошлаб қўйиши мумкин.

Ҳушёрлик — хотиржамлик гарови

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан қайд этилган ёнгинларнинг аксарият қисми болаларнинг ўйинқароқлиги туфайли келиб чиққан. Афсуски, аксарият юртдошларимиз бу каби ҳолатларга кўп ҳам аҳамият беришмайди. Қачонки нохуш ҳолат рўй бериб, катта талофатларга сабаб бўлганидан кейингина афсус-надомат чекади. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар юз бермаслиги учун ота-оналар фарзандларига ёнгиннинг аянчли оқибатларини тушунтириб, хавфсизлик қоидалари билан таништиришлари ва ўзлари ўрнат кўрсатишлари лозим.

Зеро, ота-оналар бу борада эҳтиёт чораларини бир қадар кучайтириб, фарзандларига эътиборлироқ бўлса, ўзи ва оиласи хотиржамлигини сақлаган бўлади.

Бахтиёр АБДУЮСУПОВ,
Тошкент вилояти ЁХБ 23-ҲЕҲК
смена бошлиғи, капитан

Сўқунат жаранги

Икром Отамурод "Балки" дostonида ҳодисанинг руй бериш эҳтимоли билан боғлиқ фазилат-долатлар сабабини бадиий талқин этади. У азалдан мавжуд имкониятнинг юзга келиш эҳтимолиларини урганар экан, ёзди:

...Балки,
хаёлингда қолган суратга
интизор-интизор
тиклиб-тиклиб,
зиғирча гард кўндирмай,
унутмай
зиғор-зиғор
олиб юраверсан
соғинчингни
гуллатиб мўдом...

Хаёлдаги сурат жун тасвир эмас, У ибтидода инсон хотирасига кўчган нақш. Абайат қаршисидоғи қисқа умр давомида яратқилар (сурат) ва Яратган (сийрат)га муҳаббат қанчалар авайлаб-асралса, улуг' марҳаматта сазовор бўлиш эҳтимоли шунча ортади. Шоир фикрича, ҳеч бир банд Аллоҳ марҳамати га эришдим, унинг васлини кўришга мушарраф бўлдим, дейишга ҳақли эмас. Инсон қисматида хато қилиш ва кечирилш эҳтимоли битилган. Икром Отамурод дostonда ким ажр ва мукофотта доғик экани Яратувчигагина маълум, лекин ирфоний ҳақиқатни бадиий таҳлил этган. Шоир ҳодисага хос характерли жиҳатларни поэтик идрок этишда классик механика қонуллари, Альберт Эйнштейн назарияси, ўзаро боғланиш ва муносабатлар моҳиятини акс эттирувчи эҳтимолият фалсафий категориясига таянган.

Демак, лирик қаҳрамоннинг интизор-интизор термулчилари, соғинч ҳисидан маънавий-руҳий куч олиши меҳварда асл моҳиятга талпиниш, Румийна айтуанда — тоғнинг уммонга муштоқлик ҳисси мўжасам. Шоир ибтидодаёқ пок руҳга гард юктирмаслик шарти кўйилган, у тукис бажарилса, улуг' дийдорлашув муқаррар ёхуд муайян эҳтимоллар билан руй бериши мумкинлигига ишонади. Шунинг учун унинг собир соғинчлари мўдом қийос гулдайверади. Бинобарин, Икром Отамурод изтироб ва исёни "ичкари" кўнгиб ва "ташқари" — молдий дунёни келтиришча ингилишдан келиб чиқади. Унинг барча оруз-армонлари молдий гурборларидан ҳоли покиза маъволар соғинчи билан боғланади.

Шоир янги дostonларидан бирини "Доғ" деб номлади. ("Шарқ юлдузи" журнали, 2014 йил 3-сон). Маскур дoston ҳақидаги сўзимизни унинг яратилишига туртки берган, шоир тувоҳи бўлган кичик ҳаётий мисолдан бошлаш ўринди:

Ёруғ оламга муаттар буй таратувчи

гул (маъшук) ва дунёнинг бир кунлик меҳмони бўлмиш капалак образига аҳамият қаратайлик. Капалак гулнинг лаҳзалик дийдорига шайдо бўлиб, олам боғида кезинади:

боғда
пириллаб-пириллаб,
қанотини ёзиб,
шўнчи-шўнчи соғинч тўлқинларига,
тўлиб тошганча,
чунолам,
айланиб,
урғиллаб,
штиллар...

Ажабки, ишқ дардида овора, соғинчда сарсон капалак ниҳоят боғнинг бир нафис гулига келиб кўнади. Муҳаббат ва висол оғушида сармаст, хуш кайфиятга бу митти яратқил қувончи оламнинг яралиш қонунига кўра атиги бир лаҳза давом этади, холос. Чунки айнан шу боғда сершоҳ дарахтнинг эгилган новдасига тирноғини санчиб, анчадан бери капалакни олазарак кўзлари билан синчиклаб кузатиб турган мўғом-бир майна борлигидан мутлақо беҳабар у. Капалак гулга кўниши ва висол оғушида оламни унутуши ҳамонқо, майна ҳовлиқиб ва ҳаприқиб келиб унга чанг солади. Урадай очилган оғизга кир-бир, фавқуллода ютилиб кетган жонсарақ капалакнинг ҳоли шоирда мислсиз ўксик туйғуллар пўртанасини уйғотади. Яшашининг тайини бўлмаган, феъли бебурд, чағилдоқ товуши-да ғоят ёқимсиз шу майнанинг гузаллик ва нафосат кушандаси экани шоирни оламу олам, замину замонлар, самовоту ҳодисалар асрори ҳақидаги теран ўйларга толдиради. Уша ҳодиса уйғотган ўқинч, хўрсиниққа айланиб, киприқда жолалар бўлиб жимирлайди:

...Танг қотиб қолдим.

Бухсанган таним
қангумга туганмас дардин қадади.
Не-не хаёлимни чилатиб маним,
шоналатди армонимнинг ададин...

"Доғ" сўзини эшитган кезде тасавурида унинг маъно-мазмун қирралари жонланади. Жумладан, сузлашув тилида фаол куланиладиган "қайноқ сув", буюмининг юзи ёки инсон баланида бошқа ранг-тусда айрилиб турган жой; нафис баданда кўш иссини таъсирида пайдо бўлган излар; оқ қоғознинг юзи ёхуд лола гулида учровчи турли шаклдаги катта-кичик нуқталар; нарсанинг бошқа бирор молда (сиёҳ, ёғ, ранг) тегиб бўлганган жойи; инсон шаънига иснод келтирувчи, унинг шахсиятига гард-гурбор юктирувчи гап-сўз, воқеа-ҳодиса; тазалик ва ҳалолликдан беғона қалб; жудодик мусибати ва қайғу-кулфат дардидан сўнг кўнгил-

да тошдай қотган ва унутуш мушкул бўлган алам ва ҳасрат ҳалол одамнинг ёлгон ахборотга чишпа-чин ишонган оломон ҳолидан оғурдалиги, ўз покиза қалбини уларга англаш олмаганидан уртаниш азоби ва ҳокзоз.

Уларнинг барчасини ягона махражга келтириш мумкинми?! Бунинг учун кишида беҳад тийрак нигоҳ, донишюна тафаккур, шоирона таҳайюл бўлмоғи керак. Шоир лирик қаҳрамон назидо беғубор дийдордан чиққан хўрсиниқлар залвори мисли беаёв гирдобга дўниб, ҳавога тарқалишигина эмас, балки бобокўшнинг беиниҳат сахий ёлдусини тўсиши, азим тоғларни кулатиши, сокин дарёларни азалий ўзанидан тоштириши, заминни чўктириши мумкин:

Ҳодисалар борлиқнинг
шамойилига

не-не захмин тўкиб,
хўрсинтирайди.

Камчи уриб,

Тўғин гирдоб ёлига

Очиқ ҳаволарда чўчиб юргайди.

Субҳи солиқда оламга сепини ёйган мусофиро тонининг ғоят хайрихоҳлик ҳамда беминнат самимият билан ўз би-сотини кўнудга ҳаля этиши қанчалар беғубор! Оламнинг энг нурафшон ва ёруғ ҳалқаси — Шарқдан бош кўтарувчи бобокўш бепоён осмон бағрига ўз қалб ҳароратини тортиқ қилишда мўжасам саховат ҳам чек-чегара билмаган.

Икром Отамурод фикрича, борлиқдан таралётган гуллар ифори, капалаклар эркин парвози, қадим дарахтлар индизининг кўшдан мислсиз қувват олиб сомеъларча бош эгиши шу хайрихоҳлик, мурувват, саховат ва ҳарорат шукронаси. Дарҳақиқат, сукунат қаърида ўзига хос жаранг, кўнгил тубида томирлари бақувват илоҳий ҳақиқат ниҳон. Шу боис, замон ва замондош фикрати ва кўнгилига маконий ҳақиқатлардан нисбат олиб, ибратлининг боқиш мумкин.

Ҳар бир он ганимат. Лекин биз шу ганимат фурсатнинг улуг' имкон эканини ҳамиша ҳам илғаб, чуқур ҳис қилавермаймиз. Наздимизда висолдан сўнг ҳижрон ва айрилиқ муқаррар эмасдай. Умр дафтариини "шоҳ сатр-ла беэмоқ" чоғи "айни дам" экани бизни хўшёр тортирмайди. Бошқача айтганда, ҳижрон ва ғам қопқаларини очиниша доғлик қилувчи бош сабаб бу — бефарқ ва лоқайдлигимиз.

Лирик "мен" оний лаҳзада шоир хаёлини банд этган ташвишли ўйлар қалр топмаётган фурсатлар учун чек-килган афеус, наломатдир. Унинг за-

мирида илоҳий ҳақиқат, ҳаётий интилошлардан андак толган мискин бир чидам — ҳар онни қадрлашга давваткор нур туради. Бу шундай нури, унга чирмашиб, шоир сукутларида макон топган интизорлик волийсига чиқиш мумкин. Бу манзилнинг бир томонида юксак ЭЪТИҚОД тоғдай кўр тўкиб туради. Унинг пойида ҚАДР дарахтлари ўсади. Иккинчи томонида эса тиг' тутган ёлгон, гўлдайган манманлик, ҳаволанган кибр. Шоир ёзди:

...Кай вужудда
алғов-далғов гувишлар...

...Кай сўзудда
сукут сақлар осойиш...

...Маъзун ҳоллар
шамолларда хушлар...

Демак, юқоридаги ҳоллар мутлақо исёсиз кетмайди. Нафс ийлижидаги эвришлар; бир-бирининг этагини тўтиб, тезлашиб, юзлашиб бораётган оламий тағволар шоирини шоирни безовта қилади. Унинг маънавий-руҳий оламида маъзун кайфият уйғотлади. Икром Отамурод сониянинг манглайига кўнаётган гардларни сидириб ташлаш, вужуд сийратини поклашни тиллагани учун инсоний ихлос, тоқат ва идрок ҳикматида сўзлайди.

Дostonдаги маъшук(гул)нинг зорли йигиси, жонсарақ капалак(ошиқ)нинг афғони, лағиб боғнинг мунғайиб қолиш ҳолларидан кўнгилда пайдо бўлган жароҳат туйғули айни ҳодисанинг бош сабабчиси — лўттибоз майнага қартилган қаҳр ортида лирик қаҳрамоннинг чорасизликдан ўртанган сийрати туради. Ҳар қанча имконсиз бўлмасин, унинг қалбидоғи раҳм-шафқат ҳислари китобон онгу шуурига, кўнгил оламига кўчади. Бу эса, инсон ботинида пайдо бўлувчи доғларни ювиш, виждонини уйғотиш, умидини юксаттириш, мунис ва мушфиқ вужудларни ардоқлашга ўргатиш, фоний дунёда топганларини йўқотмаслик учун фурсатни қадрлашга, оғоҳликка ундашдир.

Демак, шоир ушбу дostonда кўним билмас вақтининг оний лаҳзасини тизгинлаш, ундан оламий, оламий ва ирфоний ҳулосалар чиқаришга интилан. Чунки шеърят — мустақил ижод маъсули ва илоҳий мўъжиза. Поэтик сўз яралиши истейдол ички оламнинг ногаҳоний лаҳзала мунаввар бўлиши, руҳий макомнинг замиядан юксалишидир. Зотан, ижодкор қалбидоғи юқом лаҳзалари унинг қобилиятига мутано-сиб даражада илоҳий моҳиятга эга. Маскур дoston шоирнинг вақт тарозусида тортилган афеус ва тасаллири изҳори, кўнгил ирқорларидан таркиб топган.

Исломжон ЁҚУБОВ,
Алишер Навоий номидаги
ТДЎТАУ доценти,
филолог фаилари номзоди

Бошлиқларвар

Наjviya

Муштаров олдадаги столни ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ муштароқ-да зарда юриш қилиб хонадан чиқиб кетди. Хона сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Йигилган ўқитувчилар тушунмаганнамо бир-бирларига боқишарди. Ҳар доим Муштаровнинг кўнглини хушлаб юрвчи Хушларовнинг тусатдан томоқ кириши хонадаги сукунатни бузди. Чамма «гапиринг» дегандек унга қаради. Хушларов гоз юриш билан минбарга чиқди.

— Ҳурматли ўқитувчилар! Очиғи, яхши иш бўлмади, хўппи? Директоримизнинг бақириб-қақириси, ҳамма-ҳаммаси ташкилотимизнинг келажакини ўйлаб қилинапти, хўппи?

Бу сафар столнинг муштаровни Азимов сиз сабабчиси. «Беш минут деб бошланган йигилишда беш соатдан бери утирибмиз. Ўқувчилар эса дарсиз, бе-кор қолиб кетмоқда» эмиш! Утирсангиз утириб-сизда. Хўш, нима бунти, кун утапти, ойлик маош ёзилаяпти. Пулингизни индамай олиб юраверинг, хўппи?! Эҳ, Азимов, Азимов. Шу югурик тилингиз бир кунмас бир кун бошингизга этади, хўппи!

Азиз ҳамкасблар! Зеро, Муштаров бизни, жамоани ўйлаб бақиряптими, столни муштараяптими? Демак, биз ҳам директоримизнинг соғлигини ўйлашимиз

керак, хўппи?! Масалан, Муштаров столни муштароқ. Унг қули суяғи дарз кетди, дейлик. Қулни нима қилади? Албатта, гипслайди. Хўшжатарга, айниқса, маош ведомостига имзо қўя олмагач чап қўлини ишга солмайди, солади, хўппи? Барчамизни Худо урганни шу. Кейин анқайиб утираверамиз. Бунақаси кетмайди. Директоримизнинг стол муштароқдан унг қўлини авайлаш чорасини ўйлайлик, хўппи! Хўш, бу борада кимда қандай таклиф бор?

— Шу десангиз, қишда кийиб юрадиган қалин жунли кўлдоп сотиб олиб берсак. Йигилишни шу кўлдоп-

ни кийиб утказса, — деди физика ўқитувчиси.

— Таклиф дуруст. Аммо бироз ноқулай. Директоримиз куннинг иссиғида қалин жунли кўлдопни кийиб йигилиш утказиши...

— Бундай қиласак-чи, — дея гапга қўшилди меҳнат фани ўқитувчиси. — Муштаров муштароқдан стол устига юмшоқ матодан тўшасак.

— А, яшанг. Бу таклиф маъқул. Дарров беш минг, беш минг сумдан йигиб, мато олиб, стол устига юмшоқ гилоф тикишга киришинг. Мен узимнинг икки юли товугимнинг патини юлиб олиб келаман, — деди Хушларов.

— Нима, товўқни сўясизми? — ачинаиб сўради адабиёт муаллими.

— Йў-е. Ечинтираман, холос. Директоримиз учун товўқлар бироз вақт яланғоч юрса юрибди-да. А лаббай, — енигил кудди Хушларов.

Тажриба яхши натижа берди чоғи, Муштаров эрталаб бошлаган йигилишини кечгача давом эттирмоқда. Аммо у кейинги пайтларда йигилишининг тушиқдан кийинги қисмини оёқда тек турганча утказаяпти. Чамаси, унинг утирадиган стулига ҳам гилоф қилиш керак-ов. Мактаб жамоаси энди шу ҳақда бош қотирмоқда.

Одильжон ЖУРАЕВ
Анджон вилояти

Тиббий-профилактик тадбирлар

Жисмонан соғлом, руҳан тетик, интеллектуал салоҳияти баланд ёшларни тарбиялашда Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари алоҳида ўрин тутмади. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, тоғ ва тоғолди жойларида очилган 214 та стационар оромгоҳ алақачон ўз дам олувчиларини қабул қилиб, биринчи мавсумни бошлади.

Баҳаво, хушманзара, соғломлаштиришнинг барча талабларига жавоб берадиган бу оромгоҳларда 154 056 нафар ўқувчи янги ўқув йилига куч-ғайрат тўплаб қайтади. Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари қошида очилган 936 та кундузги оромгоҳ фарзандларимизнинг ёзги таътил даврини бир неча йўналишда ташкил этиш бўйича ўз чора-тадбирларини белгиланган. Ёз — жисмонан ва руҳан толиққан ўқувчиларни ҳар томонлама чинқиртирадиган фасл. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, барча вилоят ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги қатори соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ҳам бу борада ўз вазифаларини белгилаб олишди.

Оромгоҳда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий йўналишлари — зарарли одатлар, яъни кашандалликка йўл қўймаслик, жисмоний фаол бўлиш, рационал овқатланиш та-

моийлларига риоя қилиш, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш, ҳар хил шикастланишлардан сақланиш мавзулари бўйича тадбирлар ўтказиш белгиланган. Муайян мавзуга йўналтирилган тадбирларнинг интерфаол, давра суҳбати, семинар-тренинг, савол-жавоб усулларида фойдаланган ҳолда ташкил қилиш тавсия этилган. Оромгоҳ маъмурияти дам олувчилар иқтидори ва истеъдодидан фойдаланган ҳолда саҳна кўринишлари ташкил қилса, ҳар бир мавзунинг мазмун-моҳияти ёшлар онгига тезроқ етиб боради. Ижтимоий роликлар намойиш этилса, нур устига нур.

Ўсиб келаётган ёш авлодда соғлом турмуш тарзи кўникмалари қай даражада шакланган? Касалликларнинг олдини олиш бўйича билим ва тушуنча етарлими? Оромгоҳга бириктирилган шифокор ва

ҳамшира соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган турли мавзуга оид анкета сўровномаларини тарқатиб, таҳлил олиб боришлари зарур.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан "26 июнь — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни" деб эълон қилинган. Бу санани

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан "26 июнь — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни" деб эълон қилинган. Бу санани

эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Институтимиз мутахассислари томонидан бу мавзу бўйича ўқувчилар оммасига мўлжалланган тарқатма материаллар тайёрланган. Улар оромгоҳнинг энг гавжум жойларига осиб қўйилиши керак. Ўша санада соҳа мутахассислари оромгоҳга тақриф қилиниб, жонли суҳбат уюштирилса, актёрликка қизиқиши бўлган болалар иштирокида саҳна кўриниши тайёрланса, мавзу юзасидан ўқувчилар зарур хулосани чиқаради.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ташвиқот ва тарғибот ишларининг самардорлигини янада ошириш учун "Саломатлик бурчақлари" ташкил этилиши ло-

зим. Бурчақда соғлом турмуш тарзи тамойиллари, яъни шахсий гигиенага амал қилиш, кун тартибини тўғри белгилаш, соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик ва спорт билан шуғулланиш, руҳий саломатликни асраш, тиббий саводхонликни ошириш, уяли алоқа воситасидан меъёрида фойдаланиш, турли касалликлар профилактикасига оид кўргазмалар ахборот материалларидан (буклет, рисола, плакат, баннер ва ҳоказо) кенг фойдаланилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оромгоҳ тиббиёт ходимлари учун "Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида тиббий-профилактик тадбирлар ташкил этиш бўйича услубий қўлланма" тайёрланди. Мазкур қўлланмада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг барча мавзулари жамланган бўлиб, тиббиёт ходимига иш жараёнида қўл келади.

Гулбахор АБДУЛЛАЕВА,
Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш ташкил этиш илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари



Самбо бўйича пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасидаги Осий очик чемпионати якунланди. Қўтгамиздаги йигирмадан ортик давлатдан беш юзга яқин спортчи қатнашган чемпионатда полвонлар самбо ва жанговар самбо бўйича беллашди.

Халқаро самбо федерацияси (FIAS) сайтида ёзилишича, мазкур нуфузли мусобақада юртдошларимиз жами 27 олтин медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Осийнинг тенгсиз жамоаси аниқланди

Хусусан, 30 июндан 2 июлгача давом этган чемпионатнинг дастлабки икки кунда спортчиларимиз жами 15 олтин медалга эга бўлди. Парвиз Ҳалимов, Фирдавс Ҳожиматов, Улуғбек Раҳмонов, Толмас Тўқлиев, Зафар Оллоберганов, Санжар Неъматов, Мироншоҳ Султонов, Нурмухаммад Беғалиев, Турабек Исмоилов, Гулмира Исматова, Клара Дармонбоева, Жасурбек Махматқулов, Нилуфар Раҳмонова, Мушарраф Ибодуллаева ҳамда Сумгул Рўзимбоева ана шу олтин медаллар қўлга киритишига сабабчи бўлди.

Шунингдек, 8 кумуш (Ойбек Усмонов, Малика Қаҳҳорова, Комила Нурова, Гулчехра Маманова, Маликабону Мирзаева, Ҳамида Олимова, Мафтуна Эргашева, Рината Илматова) ҳамда 11 бронза (Улуғбек Ҳақимов, Аҳмадjon Исломов, Алим Муртазоқулов, Зоир Самиков, Раҳматjon Аҳмедов, Нуриддин Тилаволиев, Акобир Ҳасанов, Шаҳзод Иброҳимов, Дилором Зикриллаева, Шаҳзода Валиева ҳамда Мафтуна Эсонова) медаль терма жамоамиз ҳисобига ёзилди.

Умумжамоа ҳисобида 2-ўринга мусобақа мобайнида жами 22 та олтин медаль тўплаган Қозғистон терма жамоаси сазовор бўлди.

МУХБИРИМИЗ



Немислардан «Олтин дубль»

Футбол бўйича Россияда ўтган Конфедерациялар кубогида амалдаги жаҳон чемпиони Германия терма жамоаси беш совринни қўлга киритди. Йоахим Лев шогирдлари финалда Жанубий Американинг энг кучли жамоаси — Чили футболчиларини кичик ҳисобда (1:0) мағлубиятга учратди.

«Санкт-Петербург» стадионида кечган матчнинг 20-дақиқасида Ларс Штиндль урган гол чемпионлик масаласини ҳал қилди. Чилиликлар ўйиннинг қолган дақиқаларида мувозанатни тиклашга ҳарчанд уринмасин, рақиб дарвозабони Тер Штеген ва ҳимоячиларнинг барқарор мудофаасини ёриб ўтолмади.

Бронза медаль учун ўтказилган баҳсда Европанинг амалдаги чемпиони Португалия терма жамоаси мексикаликларни 2:1 ҳисобида мағлуб этди.

Турнир якунида бир қатор номинациялар ҳам тақсимланди. Хусусан, чилилик футболчи Клаудио Браво «Энг яхши дарвозабон», 23 ёшли немис ярим ҳимоячиси, жамоа сардори Юлиан Дракслер «Энг яхши футболчи» учун аталган «Олтин тўп» соҳибчи бўлди. Шунингдек, 21 ёшли германиялик ҳужумчи Тимо Вернерга (3 та гол ва 2 та голли узатма) «Энг яхши тўпурар»га аталган «Олтин бутса» берилди.

Дарвоқе, Краков шахрида футбол бўйича ёшлар (U21) ўртасида Европа чемпионати якунланди. Ушбу мусобақада ҳам немислар беш соврин соҳибчи бўлди. Улар «Юзеф Пилсудски — Краковия» стадионида бўлиб ўтган финал ўйинида испанлардан устун (1:0) келди. Бу эса Германияда яна бир кучли авлод шаклланиётганидан дарак беради.

Ёзги соғломлаштириш майдончаларида

Ёз — болалар учун энг сеvimли ва орзиқиб қутиладиган фасл. Айниқса, уч ойлик таътил даври мазмунли, мароқли ва, албатта, эсда қоларли таассуротларга бой тарзда ўтишига не етсин!

Юнусобод туманидаги 235-умумтаълим мактаби қошидаги «Ғунча» ёзги соғломлаштириш оромгоҳига келсангиз, турфа йўналишдаги тўғрак машғулоти-ларию қизгин беллашувларнинг устидан қиқасиз. Ҳар бир мавсумда 140 нафардан ортик бола дам олиши режалаштирилган бу маскан асосан экологик-ўлкашунослик йўналишида фаолият

юритади. «Қуёшжон», «Капалак», «Камалак», «Дўстлик», «Бойчечак», «Мойчечак» номли гуруҳларга бўлинган ўқувчилар кун давомида «Кулполчилик», «Amazing summer» («Ажойиб ёз», инглиз тили), «Ёш ўлкашунос», «Ёш эколог», «Тўқиш», «Карвинг», «Рақс», «Юмшоқ ўйинчоқлар», «Майда пластика», «Экодизайн», «Олтин мерос», «Футбол», «Во-

лейбол», «Стол тенниси», «Шахмат», «Шашка», «Миллий ҳаракатли ўйинлар» сингари 17 та тўғрак машғулотида вақтини чоғ ўтказмоқда. «Делфин» сув ҳавзасида чўмилётган болалар қалби бир олам завқу шавққа тўлмоқда.

Оромгоҳ раҳбари Манзура Султонованинг таъкидлашича, кичкинтойларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш мақсадида туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Биз ва табиат», «Ёзни «Камалак» билан!», «Миллий урф-одат, қадрият ва ёшлар», 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остидаги турли лойиҳа ва спорт мусобақалари болажонлар онгу шуурда ёрқин таассурот қолдирмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бундан ўқувчилар ва ота-оналар ҳам мамнун.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



Янги оромгоҳ болалар ихтиёрида

Термизда янги барпо этилган "Амударё" болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бир-

лашмалари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, оромгоҳда таътилни мароқли ўтказаятган ўқувчилар, ота-оналар иштирок этди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиғида амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Термиз шаҳрининг баҳаво жойида, дарё соҳилида бунёд этилган "Амударё" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёш авлоднинг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиши учун барча шароит яратилган.

Олти гектардан зиёд майдонни эгаллаган оромгоҳ қурилишига 34 миллиард сўм маблағ сарфланди. 200 ўринли оромгоҳда болаларнинг жисмоний чиниқиши, билими ва интеллектуал салоҳиятини ошириши учун сузиш ҳавзаси, футбол, баскетбол, теннис ва бошқа спорт майдончалари, ахборот-ресурс маркази, ёзги амфитеатр, рангли фавворалар бунёд этилди. Маданий ва маънавий-маърифий тадбирларга мўлжалланган тантаналар майдони, турли тўғарақларнинг машғулот

хоналари замонавий жиҳозланди. Эرتак қаҳрамонлари ҳайкалчалари ўрнатилиб, гулзорлар барпо этилди.

Жорий йилги мавсумда оромгоҳда мингдан ортиқ бола ёзги таътилни ўтказиши режалаштирилган. Ҳозир бу ерда 200 ўқувчи ҳордиқ чиқариб, хорижий тиллар ва компьютер бўйича билимларини оширмоқда. "Ёш китобхоналар", "Тасвирий санъат", "Моҳир кўллар", "Хореография", "Жисмоний тарбия ва спорт" каби ўнга яқин тўғарақ, 2 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона болажонлар ихтиёрида.

Оромгоҳнинг очилиш маросими "Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати" мавзусидаги маданий-маърифий тадбир ҳамда "Касаба уюшмалари — болаларга" акциясига улашиб кетди.

ЎЗА суратлари.



«Шодиёна»да шодланаётган ўғил-қизлар

Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактаби қошидаги «Шодиёна» ёзги соғломлаштириш майдончасига жажжи ўғил-қизлар бирин-кетин йиғилгач, кун тартиби жисмоний тарбия мураббийи Шаҳноза Назруллаева раҳбарлигида эрталабки бадантарбия машқлари билан бошланади.



Жорий йилги ёзги соғломлаштириш даврининг ҳар бир мавсумида 100 нафар ўқувчи қамраб олиниши мўлжалланган ушбу майдончада «Моҳир кўллар», «Ёш рассом», «Инглиз тили», «Стул тенниси», «Шахмат», «Шашка» сингари тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда болажонлар малакали мураббийлардан сабоқ олмақда.

— Қизим Ойша «Моҳир кўллар» тўғарағида устози Малика Магдиевадан ҳар кунги бир-бирдан бежирим буюмлар ясаб сирларини ўрганяпти, — дейди Саида Жалилова. — Фарзандларимизнинг ёзги таътили беҳуда ўтмай, қизиқишига мос касб-ҳунар ўрганаётганидан биз, ота-оналар бениҳоя мамнунмиз.

«Шодиёна» ёзги соғлом-



лаштириш майдончаси раҳбари Маҳфуза Азизованинг таъкидлашича, ҳар бир мавсумда болалар учун режа асосида пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда Алишер Навоий номидаги кинолар саройига саёҳат уюштирилаётгани ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу ўғил-қизлар Шайхонтоҳур туманидаги 1-болалар ва ўсмир-

лар спорт мактабининг сузиш ҳавзасида мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

Соя-салқин, хушманзара майдончада ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, қизиқarli викторина ва маданий-маърифий тадбирлардан болалар қалби олам-олам кувончга тўлаётгани шубҳасиз.

Мадина АЛЛАЁРОВА

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-715. Tiraj 34076.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrig
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Xayriddinmurod ABULFAYZOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 22.30 Topshirildi — 23.10

1 2 3 5 6